

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
НЕМИС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

СОЛИЖОНОВА МОҲИДА

**“НЕМИС ТИЛИДА ЯСАМА ОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА
ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ”**

5111400-Хорижий тил ва адабиёти (немис тили ва адабиёти) таълим йўналиши
бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Иш раҳбари:

М.Мирзакаримов

АНДИЖОН – 2016

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4-6
Мавзунинг долзарблиги.....	6-9
Мавзу ўрганилганлик даражаси.....	9
БМИнинг илмий янгилиги.....	9
БМИнинг мақсад ва вазифалари.....	9
БМИнинг предмети ва объекти.....	9
БМИни бажаришда қўлланилган тадқиқот методлари.....	9
БМИнинг методологик асоси.....	10
БМИнинг амалий аҳамияти.....	10
БМИ натижаларининг амалиётда синалганлиги.....	11
БМИ структураси.....	11
I БОБ	
1.1. Сўз яшаш ҳақидаги таълимот тилшуносликнинг предмети сифатида	12-15
1.2. Немис тилида сўз яшалиши	16-36
II БОБ	
2.1. Сўз яшаш, лексикология ва грамматика.....	37-39
2.2. Немис тилида от яшашнинг асосий усуллари	40-41
2.3. Немис тилида ясама отлар ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси масалалари.	42-58
Хулоса	59
Фойдаланилган адабиётлар	60-62

Кириш

Жонажон ватанимизнинг мустақилликка эришуви ўзбек номини бутун дунёга танитган юртда илм – маърифатнинг ривожига, таълим – тарбиянинг келажаги буюк давлат учун мустахкам пойдевор бўлишига имкон яратди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим – тарбия, маънавий – маърифий ишлар давлатимизнинг сиёсатининг устивор йўналишига айланди.

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадрятларимизга йўғрилган ва улардан озикланадиган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир – оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин.¹

“Маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги “манавият” тушунчаси орқали ифода этиш мумкин.²

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий кудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир.³

¹ Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 4-бет.

² Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 20-бет.

³ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент. Шарқ, 1998. 5-бет.

Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг меъзонидир.⁴

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омиллардан бири – бу таълим – тарбия тизимидир.

Маълумки, ота боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму – маърифат, таълим – тарбияни, инсон камолоти ва миллий равақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган.

Албатта таълим – тарбия онг махсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим- тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонуниimizда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб – қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир.

Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Бунинг учун ҳар қайси ота- она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш-

⁴ Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 19-бет.

таълим- тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Мавзунинг долзарблиги. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди-бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

Бизга собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тизими ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп ҳолларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Аксарият ёшлар ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, кўпроқ амалда дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди.⁵

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм- фан, касб- ҳунар ўргатиш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узок йиллар давомида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам – бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Таълим – тарбия тизимидаги ислохотлар бошланган дастлабки йилларда Юртбошимиз жаҳон тажрибаси ва ҳаётда кўп бор ўзини оқлаган ҳақиқатдан келиб чиқиб, агар бу мақсадларимизни муваффақиятли амалга ошира олсак, тез орада ҳаётимизда ижобий

⁵Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 63-бет.

маънодаги “портлаш эффекти”га, яъни, янги таълим моделининг кучли самарасига эришамиз, деган фикрни билдирган эдилар.

Дарҳақиқат, истиклол даврида барпо этилган, барча шарт – шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб – ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб – ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданок икки – уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг – минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу – интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Энг муҳими шундаки, “портлаш эффекти”нинг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиш билан биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида мактаб таълими, айниқса, умумтаълим мактабларининг моддий – техник базасини мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш биз учун кун тартибидаги энг муҳим ва жиддий масалага айланди. Шу мақсадда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда “Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури” қабул қилинди.⁶

Шунингдек, давлат таълим стандартлари жорий этилди.

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб- ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.⁷

⁶ Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2009. 64-бет.

⁷ Таълим тўғрисидаги қонун. 1- бўлим 7- модда. 1997- йил 29- август.

Ушбу дастурга мувофиқ, юртимизда мавжуд бўлган ўн мингга яқин умумтаълим мактабининг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг мазмунини тубдан такомиллаштириш, ўқувчиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда.

2012 йил декабр ойида “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон республикаси Президентининг қарори ва бу борада қилинаётган ишлар ҳам таълим самарасини оширишга қаратилган.

Ушбу қарорда республикамизнинг барча ҳудудида чет тилларни биринчи синфдан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, иккинчи синфдан бошлаб эса алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади. Умумтаълим мактабларида 1-синфдан чет тили ўқитилиши тажриба сифатида йўлга қўйилди. Олий ўқув юртларида айрим махсус фанларни, хусусан, техника ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилиши белгилаб берилган. Буларнинг барчаси сизу биз, бўлғуси немис тили ўқитувчиларига ҳам улкан маъсулият юклайди.⁸

Немис тилида от ясашда ишлатиладиган морфологик, синтактик ва семантик усуллар ҳақида батафсил фикр юритишга ҳаракат қилдик, яъни турли суффикслар ва префикслар ёрдамида ва бошқа от ясовчи воситалар орқали ясалган отларни атрофлича таҳлил қилдик ва уларнинг ўзбек тилига қандай йўл-йўриқлар орқали таржима қилиниши мумкинлиги ҳақида сўз юритишга уриндик. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, ясама отларнинг тилдаги ва тил луғати таркибидаги тутган ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Ушбу танланган мавзунинг муҳим ва долзарблиги ҳам ана шундадир. Бу қилинган изланиш немис тилидаги ясама отлар хусусиятларини ўқувчи ва талабаларга батафсил тушунтиришда яқиндан ёрдам беради.

⁸ Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида. Андижоннома 2012 йил 15 декабр

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Юқорида таъкидланганлигидек мавзуни тадқиқ қилиш учун германист олимлар маълум ишларни амалга оширганлар, аммо бу ишларнинг барчаси рус, немис ва қисман ўзбек тилида қиёсий ёритилган. Немис тили грамматикасига, немис ва ўзбек тиллари қиёсига бағишланган адабиётлар бизнинг тадқиқотимиз учун асос бўлиб хизмат қилди ва тадқиқотлар олиб боришга имкон яратди.

Мавзунинг илмий янгилиги: “Немис тилида ясама отлар ва уларининг ўзбек тилига таржимаси муаммолари” номли мавзуси юзасидан немис ва ўзбек тилларида системали шаклда ўрганилмоқда, уларнинг ўзбек ва немис тилида ифодаланиши ва уларининг таржимаси масалалари таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, ушбу бирликларнинг хорижий тил, яъни немис тилига ўргатиш ва ўрганишдаги аҳамияти таъкидланмоқда.

БМИнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу мавзуни илмий ва амалий изланишимизнинг объекти қилиб олишдан мақсадимиз шуки, немис тилидаги ясама отларни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг ясаиш усуллари ва йўл – йўриқларини батафсил ёритиш, уларни ўзбек тилига таржима қилишда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишдан иборатдир. Ишни бажариш давомида немис тилидаги ясама сўзларни ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида у ёки бу ясама сўз таржима тилида ҳам мазмунан, ҳам шаклан мос тушадими ёки йўқми ёки умуман мос тушмайдими масаланинг бу томонлари ҳам батафсил ўрганилади. Бундан ташқари мазкур тадқиқотимиз натижаларини чет тилларни ўқитиш жараёнида қўллаш ва бу борада унинг самара бериши малакавий ишимизнинг вазифаси ҳисобланади.

БМИнинг предмети ва объекти. Битирув малакавий ишнинг предмети немис ва ўзбек тилларида гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини ўрганишдир. БМИнинг объекти ҳозирги замон немис ва ўзбек тиллари морфологик системаси.

БМИни бажаришда қўлланилган тадқиқот методлари. Шунинг таъкидлаш жоизки, фандаги ҳар қандай изланиш, тадқиқот ўтказиш

Ўрганилаётган соҳанинг илмий ёки амалий томонларига боғлиқдир. Ана шундан келиб чиқиб, тадқиқот объектини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш мақсадида у ёки бу изланиш услубларидан фойдаланилади. Мен ўзимнинг танлаган битирув малакавий ишимни мавзусини ёритишда асосан структурал – семантик, лексик – семантик, лексик – грамматик усулларидан фойдаландим. Чунки ушбу мавзуни баён қилишда лексик, грамматик, семантик ва таржима воситалари қўлланилди, натижалар қиёсланди ва классификация қилинди. Немис тилида от ясовчи қўшимчаларнинг жуда кенг қўлланилиши эътироф этилди.

БМИнинг методологик асоси. Малакавий ишнинг методологик асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таълим тўғрисидаги фармонлари, фикрлари ва кўрсатмалари, “Таълим тўғрисидаги” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, давлат таълим стандартлари олинди.

БМИ нинг амалий аҳамияти. Мен танлаган ушбу малакавий иш мавзуси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Чунки у ёки бу тил ҳодисаларини ўрганиш ва уларни атрофлича таҳлил қилиш жуда қадимдан тилшунослик фанининг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам мен немис тилидаги ясама отларнинг ясалиш усуллари, йўл – йўриқлари ва уларнинг таржима муаммоларини батафсил баён қилиб беришга қўл урмоқдаман. Бу эса мазкур масалага ҳам назарий, ҳам амалий ёндашишни тақозо этади. Ишни бажариш жараёнида от ясовчи префикслар ва суффикслар чуқур таҳлил қилинади. Қайси суффикс қайси роддаги отларни ясашга хизмат қилишига қараб улар классификация қилинади. Ундан кейин уларнинг ўзбек тилига таржимаси масалалари устида иш олиб борилади. Ясама отлар айниқса немис тили луғати таркибини бойитишда жуда муҳим аҳамиятга эга, буни албатта эътироф қилиш зарур.

Менинг фикримча мана шундай изланишларни чет тилларни ўқитиш ва уларни ўрганиш жараёнида кўпроқ қўлласак чет тилини ўрганувчи талабалар учун кўпроқ фойда берган бўлар эди. Бундай ишларнинг дарс жараёнида кенг

қўлланилишининг яхши самара бериши ўз навбатида уларнинг амалий аҳамияти ҳисобланади.

БМИ натижаларининг амалиётда синаганлиги. Мен ўзим танлаган тадқиқот ишимни мактабда ўтказган педагогик амалиётим даврида Улуғнор туманидаги 19-мактабда ўзим дарс берган синфлардаги ўқувчилар билан синовдан ўтказдим. Қисқа вақт давом этган педагогик фаолиятим пайтида мен ўқувчилар билан бирга ўрта мактаб немис тили дарсликларидан берилган ясама отларнинг яшаш усуллари ва турларини ўрганиб чиқдим ва бу жараёнда қўлланилган сўз ясовчи қўшимчалар ва бошқа сўз ясовчи воситаларни таҳлил қилдим. Натижада ўқувчилар немис тилидаги от ясовчи қўшимчалар ва бошқа сўз ясовчи манбаларнинг тил ва уни таркибини бойитишдаги аҳамиятини яхши тушуниб олишга муваффақ бўлдилар.

БМИ тузилиши. Ушбу битирув малакавий иши 4 бўлимдан иборат: 1. Кириш. 2. Асосий қисм. 3. Хулоса 4. Фойдаланилган адабиётлар.

БМИ нинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, БМИнинг илмий янгилиги, БМИнинг мақсад ва вазифалари, БМИнинг предмети ва объекти, БМИни бажаришда қўлланилган тадқиқот методлари, БМИнинг методологик асоси, БМИнинг амалий аҳамияти, БМИ натижаларининг амалиётда синалганлиги, БМИ структураси кабилар берилган.

Асосий қисм эса 2 бобдан иборат:

1.1. Сўз яшаш ҳақидаги таълимот тилшунослик предметларидан биридир.

1.2. Сўз яшаш, лексикология ва грамматика

2.1. Олмон тилида ясама отлар ва уларининг ўзбек тилига таржимаси муаммолари

Шунингдек, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати – асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатидан иборат.

1.1. Сўз яшаш ҳақидаги таълимот тилшуносликнинг предмети сифатида

Сўз яшаш термини тилшуносликда икки маънода: сўзлар қандай пайдо бўлиши ҳақидаги фан ҳамда янги сўзларнинг пайдо бўлиш қоида ва усуллари йиғиндиси маъносида қўлланади.

Сўз яшаш янги сўз ҳосил қилишдир. Масалан, *хизматчи* (-**чи** аффикси ёрдамида ясалган), *бронтешар*, *танкотар* (икки сўзнинг қўшилишидан ясалган), *қурилиш*, *уруш* (асли феълнинг ҳаракат номи бўлган сўз отга кўчган), *йўлдош* (янги маъноли сўз — ернинг сунъий йўлдоши), *янги* — *янги* (бири сифат, бири равиш) ва бошқалар. Бундай сўзлар турли усулда ясаиб, тилнинг луғат составини бойитади.

Сўз яшаш кейинги вақтларгача тилшуносликнинг «Морфология» қисмида қараб келинди. Тилшунослик назарияси тараққиёти уни тилшуносликнинг алоҳида соҳаси деб қарашни тақозо қилди. Шунга кўра, кейинги йилларда нашр қилинган адабиётларда «Сўз яшаш» тилшуносликнинг мустақил бир бўлими сифатида талқин қилина бошлади.

Сўз яшаш тилшуносликнинг янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидалари, моделлари ва усуллари ҳақидаги бўлимидир.

Сўз яшашнинг ўрганиш объекти сўздир. Сўз лексикологияда ҳам, грамматикада ҳам ўрганилади. Лекин лексикология ва грамматика сўзга бошқача ёндашади. Масалан, лексикологияда сўз ва унинг маъноси, луғат составининг қатламлари, сўзларнинг асосий типлари кабилар, морфологияда эса сўз туркумлари, уларнинг грамматик формалари ўрганилади. Сўз яшаш эса алоҳида соҳа сифатида янги сўзларнинг ҳосил бўлиши масалалари билан шуғулланади. Тилшуносликнинг бу бўлимлари сўзни ҳар томондан ўрганиб, бир-бирини тўлдирди. Бу жиҳатдан улар ўзаро боғлиқдир.

Ясалма сўзларнинг сўз ясалиш структураси ҳамда ҳар бир тилга хос сўз яшаш воситалари системаси тарихий ўзгарувчандир. Шунинг учун ҳам диахроник сўз ясалиши билан синхроник сўз ясалиши фарқланади.

Диахроник сўз ясаши тил тараққиётининг маълум даврда сўзлар қандай ҳосил бўлганлигини, унинг дастлабки ҳолати, сўз ясаши структурасида бўлган ўзгаришларни ўрганса, синхроник сўз ясаши тил тараққиётининг ҳозирги босқичида сўз яшаш системасини ўрганади.

Сўзнинг синхроник сўз ясаши структураси диахроник сўз ясаши структурасига мос келиши ҳам, келмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, рус тилидаги *домик* сўзида мос келган, *цветник* сўзида эса мос келмаган. *Цветник* сўзи тарихан -ик суффикси ёрдамида ясаиб, «гуллар билан қопланиш» маъносини (ҳозир бу маъносини йўқотган) ифода этган. Ҳозирги рус тилида эса бу сўзнинг маъноси фақат *цветы* (гуллар) сўзи билан боғлиқ. Ўзбек тилидаги *юрак* сўзининг структураси диахроник аспектда *юр+ак* (от ясовчи аффикс) шаклига эга бўлса, синхроник аспектда бир ўзак сифатида қаралади.

Диахроник ва синхроник сўз ясаши ўзаро диалектик боғлиқдир. Тил тараққиётининг ҳар бир босқичида мавжуд моделлар асосида янги сўзлар ясашида ясалувчи сўзнинг бошланғич сўз ясаши структураси эмас, ўша даврдаги синхроник сўз ясаши структураси муҳимдир. Масалан, ҳозирги рус тилидаги -ник суффикси маҳсулдор ҳисобланади. Бу суффикс асли нисбий сифат ясовчи -н ва отнинг кичрайтиш формасини ясовчи -ик суффиксининг бирикишидан ҳосил бўлган. Бунинг ёрдамида ясалган *цветник* сўзининг синхроник сўз ясаши структураси унинг диахроник сўз ясаши структурасига мос келмайди, бу суффикс ҳозир янги сўзлар ясаши учун хизмат қилаётир (*градусник*). Ўзбек тилидаги *юксак*, *қишлоқ* сўзлари диахроник аспектда *юк-с-ак*, *қиш-ла-қ* шаклида бўлган бўлса, синхроник аспектда уларнинг *юк*, *қиш* сўзлари маъноси билан боғланиши сезилмайди.

Синхроник сўз ясашида асосий масала сўз ясашининг мотивацияси, яъни ясалувчи сўз билан ясалган сўзнинг маъноларида боғланишнинг бўлишлигидадир. Сўз ясашига асос бўлган сўз билан ундан ясалган сўзнинг маъноларида схематик боғланиш, умумийлик бўлади.

Одатда, ҳар қандай ясалма бинар ҳолда, яъни икки аъзоли бўлади: асос ва формант. Биринчиси ясалма билан семантик боғланишда бўлган қисм, иккинчиси эса бундан фарқловчи қисмдир: *меҳнаткаш*. Бу сўз икки қисмдан иборат: *меҳнаткаш* сўзининг семантикаси билан боғлиқ бўлган қисм (*меҳнат*) ва бу сўзни фарқловчи қисм (*-каш*).

Тилнинг сўз ясалиш системасини классификация қилишда сўз ясалиш типлари асосий белги қилиб олинади. Бунда сўз туркуми формаси ва унинг маъноси ҳисобга олинади. Масалан, *ишчи, аълочи, овчи, тарбиячи, сувчи, балиқчи* кабилар сўз ясалишининг бир типини ташкил қилиб, шахс отларини ясайди. Сўз яшаш типларини изоҳлашда унинг маҳсулдор ёки каммаҳсул эканлиги, маъно ва формасидаги ўзгаришлар, қўлланишидаги стилистик хусусиятлар ҳисобга олинади.

Сўз ясалиш типлари билан сўз ясалиш моделлари кўп ҳолларда синоним сифатида қўлланади. Лекин улар ўзаро фарқ қилади. Сўз ясалиш **модел**и конкрет лексема яшаш намунаси (қолипи) бўлса, сўз ясалиш типлари фақат модел курилишини эмас, унинг типиклиги, маҳсулдор ёки каммаҳсуллиги каби масалаларни ҳам ўз ичига олади. Демак, сўз ясалиш типлари терминининг маъноси сўз ясалиш моделлари терминининг маъносига қараганда кенг.

Баъзан бир ўзакдан бир қанча сўзлар ясалади: *ўр* (феъл)— *ўроқ* (от), *ўроқчи* (от), *ўроқчилик* (от). Бунда *ўр* сўзи бир қанча сўзларнинг ясалиши учун асос бўлган. Бундай сўзлар сўз яшаш уяси дейилади.

Сўз яшаш уяси тематик характерда бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *тошлоқ, ўтлоқ, қумлоқ* каби сўзлар тематик қатор ҳосил қилиб, ўрин-жой отини англатяпти.

Сўз яшаш усуллари турли тилларда турличадир. Сўз яшашнинг грамматик (аффиксация ва сўз қўшиш усули) семантик, фонетик, конверсия усуллари кўп тилларга хосдир. Буларнинг иштироки турли сўз туркумларида турличадир. Масалан, рус тилида префиксация ва постфиксация (аффиксациянинг кўринишлари) кўпроқ феълларга хос, суффиксация ва сўз

қўшиш усули кўпроқ отларга хос. Ўзбек тилида аффиксация ва сўз қўшиш кўпроқ отлар учун характерлидир.

Сўз яшашда морфологик ходисалар ҳам ҳисобга олинади. Бунда сўз ясалиш процессида ясалувчи сўз таркибида бўладиган ўзгаришлар (товуш ўзгаришлари) кўзда тутилади.

1.2. Немис тилида сўз ясалиши

Ҳар қандай тилнинг луғат бойлиги янги сўзлар ясалиши орқали бойиб боради.

Тилда мавжуд бўлган сўзлар, аффикслар ёрдамида, ўша тилга хос бўлган сўз яшаш моделлари асосида янги сўзлар ҳосил қилиниши сўз ясалиши дейилади.

Маълумки, классик тилшуносликда сўз яшаш турлари, услублари ва моделлари, асосан, морфологиянинг тадқиқот объектидир. Шу билан бирга сўнги асрда лексикология тилшуносликнинг махсус фан йўналиши – сўзлар «дунёси» билан шуғулланувчи фан сифатида шаклланиши сабабли сўз маъносининг ўзгариши, янги сўз ҳосил қилиш йўллари тадқиқи лексикология фани объекти ҳисобланади. Ҳ. Паульнинг ёзишича, немис тилида сўз яшаш масалалари билан катор олимлар шуғулланган.⁹ Бу борада Ҳ. Паульнинг «Тил тарихи принциплари» асаридаги «Сўз ясалиши ва ўзгаришининг пайдо бўлиши» номли XIX бобидаги баён қилинган фикрлар сўз ясалиши ҳақидаги дарслик ва қўлланмаларга асос бўлиб хизмат қилди. Сўз ясалиши масалалари ва қўшма сўзларнинг турли классификациялари, ҳатто моделлари сўнги ярим асрда чоп этилган ва қўлланиб келинаётган лексикология дарсликларидан ўз ўрнини олган. Бу масала юқорида таъкидланган А. Искос, А. Ленкованинг «Немис тили лексикологияси» дарслигининг 32–87 бетларида, К. Левковскаянинг «Ҳозирги замон немис тили лексикологияси» дарслигининг 110 – 141 бетларида, М. Степанова ва И. Чернишёваларнинг «Ҳозирги замон немис тили лексикологияси» дарслигининг 76–141, Л. Шевелёванинг “Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache” дарслигининг 51–97 бетларида сўз ясалишига бағишланган боблар мавжуд.

Ушбу асарларда немис тилида сўз яшаш усул ва воситалари тўла таҳлил қилинган. Айниқса, М.Д. Степанованинг бу борада олиб борган илмий

⁹ L.Tobler. Ueber die Wortzusammensetzung. Berlin, 1868; H.Jakobi. Kompositum und Nebensatz. Bonn, 1897. H.Paul. Prinzipien der Sprachgeschichte. M., 1960, S. 385-414.

изланишлари ва чоп этган монографиялари тилшунос олимлар томонидан алоҳида эътироф этилган ва юқори баҳоланган.¹⁰

Сўз ясалиши тилнинг макросистемасида ўзига хос микросистемани ташкил этади, шунинг учун ҳам улар ҳам грамматик, ҳам лексик системалар нуқтаи назаридан сўзнинг структурал таркиби, архитектураси кесимида ўрганилиши лозим.

Немис тилида Wortbildung – сўз яшаш термини икки маънода ишлатилади. Биринчи маънода айнан «сўз ясалиши» бўлса, иккинчи маънода «сўз ясалиши ҳақидаги таълимот, сўз яшаш воситалари, қонун–қоидалари, метод ва моделлари ҳамда янги ҳосил бўлган сўзларнинг маъноларини таҳлил қилиш демакдир. Ҳозирги замон немис тилида сўз яшаш янги сўзлар ҳосил қилишнинг энг сермахсул усулларида бири ҳисобланади.

Бу ҳолат ўзбек тилига ҳам тааллуқли. Айниқса, қўшимчалар орқали сўз яшаш ўзбек тилида кўп учрайди. Ҳатто XI асрда Маҳмуд Қошғарий қаттиқ ҳамда юмшоқ асосларга қўшилувчи –чи ғ–чў аффикслари борлигини эътироф этиб, унга этчи, ашчў, этуқчи каби мисоллар келтирган.

Асосий сўз ясовчи восита сифатида немис тилида сўзларнинг ўзак ва негизларини қўшиш орқали қўшма сўзлар ҳосил қилиш, аффиксация усули, товушларнинг тарихий алмашинуви орқали (Lautwechsel), аблаут, умлаут, брехунг Ablaut, Umlaut, Brechung) орқали сўз яшаш усуллари кўриб чиқиш зарур.

Янги сўзлар сўз ўзаги ва негизи (Wortwurzel und Wortstamm) асосида яратилади. Ўзак сўзнинг асосий маънога эга бўлган энг кичик семантик ва морфологик бўлинмас қисмидир. Ўзак тўла маъноли бутун бир сўз сифатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. М.: Haus, rot, schnell, zehn. Немис тилида асосан уч ёки тўрт товушли структурага эга бўлган ўзак сўзлар кўпроқ учрайди,

¹⁰ Stepanowa M./Fleischer Wolfgang. Grundzüge der deutschen Wortbildung. Leipzig, 1985; Словарь словообразовательных элементов немецкого языка. М., 1979; Methoden der synchronen Wortschatzanalyse. Halle(Saale), 1973.

улар немис тилидаги барча ўзак структураларнинг 82% ини ташкил этади. М.: Tier, gut, laut, Macht, bunt, Brot, gelb.¹¹

Сўзнинг негизи – сўз ўзаги ва аффикслар билан бирга бир бутун маънога эга бўлган бирликни ташкил этади. Негиз сўз ўзаги каби нутқ жараёнида контекстда яхлит бирлик сифатида ишлатилади. М.: Schuh/werke, Geheim/nis, Frei/heit. Бундай ноль шакл (Null-Form des Wortes)га бўлган сўз негизи кейинги сўз ясалиши учун асосий шакл сифатида хизмат қилиши мумкин. М.: Verkehr, Verkehrsflugzeug, Verkehrsflugzeugmannschaft.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, феълнинг инфинитив формасидаги –en суффикси сўз ўзагига тааллуқли эмас.

Сўз ясовчи аффикслар ўзак ва негизга қарама қарши ўлароқ мустақил маънога эга эмаслар, аффикслар маълум ўзак ёки негизга қўшилгандагина маъно касб этади.

Аффиксация усули. Яшаш асосига аффикс қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш **аффиксация** усули дейилади: *сув-чи, тус-иқ, суз-ма, ҳозир-ги, кўк-ар, иш-чи, кўп-ай, туз-ла* каби.

Аффиксация усули билан сўз яшашда аффикслар, одатда, асосдан кейин қўшилади. Шунга кўра бу усул билан ҳосил бўлган ясама сўзлар «асос +суффикс» тарзида бўлади (синф-дош, оқ-ла, кул-ги, сез-гир, иш-ли, ёш-лик каби). Ясама сўзлар «префикс + асос» шаклида ҳам бўлади. Бу ҳодиса асосан тожик тилидан ўзлашган аффикслар орқали сўз яшашда учрайди: *беғубор, но-ўрин, сер-сув, ҳам -дарад* каби. Ясама сўз таркибида суффикс ҳам, префикс ҳам келиши мумкин: *бепарво-лик, но-аниқ-лик, бад-бахт-лик*.

Аффиксация ўзбек тилида сўз яшашнинг энг унумли усулларида хисобланади. Бу усул билан содда ясама сўзлар ҳосил қилинади. Аффиксация усули билан сўз яшашда кўпинча ўзбек тилининг сўз ясовчи аффикслари

¹¹ Городникова М.Д., Розен Е.В. Лексикология современного немецкого языка. М., 1967

қўлланади. Шу билан бирга, бошқа тиллардан (тожик тилидан) қабул килинган аффикслар ҳам ишлатилади: *туз-дон, ўрмон-зор, бетўхтов, нотўғри* каби. Бундам ясовчи воситалар дастлаб тожик тилидан кириб келган сўзлар таркибида ишлатилган бўлса, кейинчалик ясовчи аффикс сифатида ўзбек тилидаги сўзларга ҳам қўшилиб, янги сўзлар ясай бошлайди.

Аффиксация усули билан от ясалиши

Немис тилида аффиксация усули билан сўз ясалиши

Немис тили луғат бойлигининг бойиб боришида қўшма сўзлар қаторида яна бир йўл мавжудки, бу модель барча ҳинд–европа тилларига хос бўлиб, аффиксация усули билан сўз яшаш (Ableitung) дейилади. Ўзак ва морфемаларга аффикслар қўшиш йўли билан янги сўзлар ҳосил қилинади ҳамда аффикслар қўшилиши билан асос морфемалар маъноси мотивацияси юзага келади. М.: Studentenschaft, Bauerntum – бу сўзлар умумлаштирувчи маъно касб этмоқда.

Рус тилида ҳам бу йўл билан сўзнинг янги маъно хусусиятлари очилиши мумкин.

М.: читать – читатель
читательница
читательский
читка
прочитать
отчитать
чтение
чтец
чтица ва б.

Француз тилида солиштиринг: grand, grandeur, revolution, revolutionnaire, revolutionner.

Инглиз тилида: cognition, cognizable, cognizance, select, selection.

Ўзбек тилида ҳам бу усул билан янги сўзлар ясаши сермахсул усуллардан ҳисобланади.

Аффикслар суффикс, префикс ва инфикслардан иборат.

Суффикслар сўз ясовчи қўшимча бўлиб, сўз, негиз ёки ўзак охирига қўшилади. М.: Freund – freundlich, Freundlichkeit.

Префикслар сўз, ўзак ёки морфема бошига қўшилади. Бу усул ҳинд–европа тилларида кенг тарқалган. М.: kennen – erkennen Anerkennung.

Ўзбек тили учун префиксация усули характерли эмас, фақат форс тилидан кириб қолган префикслар ўзлаштирилган холос. М.: номақбул, нотўғри, бадавлат, ҳамкор, ҳамдард, бевафо.

Туркий тиллар учун баъзан инфикс ёрдамида сўз ясаши учраб туради. М.: келмоқ – келтирмоқ, ичмоқ – ичирмоқ, олмоқ – олдирмоқ.

М.Д.Степанованинг юқорида эслатиб ўтилган изланишлари немис тилида аффикслар ёрдамида янги сўзлар яшаш моделлари мавжудлигини кўрсатди:

M4: L2 = DP + L1 (L1 – primärer Stamm, DP – Derivationspräfix, lexika -
lisches Präfix)

z.B.: Unglück – Gglück

zurückgehen – gehen

untreu – treu

M5: L2 = DP + I1 (I1–primärer Stamm mit Veränderung des Wurzel - morphems)

z.B.: das Gehölz – Holz

betrunken – trinken

M6: L2 $\kappa=L1$ + DS (DS – Derivationsuffix, lexikalisches Suffix)

z.B.: fleißig

M7: L2 = I1 + DS: z.B.: der Gärtner – der Garten

gründlich – der Grund

lächeln – lachen

M8: L2 = DP + L1 + DS: z.B.: das Gelaufe – laufen

Gestieft – Stiefel

beerdigen – Erde

M9: L2 = DP + I1 + DS: z.B.: das Gehäuse – Haus

behört – das Horn¹²

Бундан ташқари немис тили аффикслари келиб чиқиши (genetisches Prinzip), морфологик (morphologisches Prinzip), тарихий (historisches Prinzip) ҳамда семантик принциплар (semantisches Prinzip) бўйича ҳам таснифланади. Ушбу принциплар асосидаги таснифлар ҳам лексикология, ҳам грамматика бўйича дарсликларда муфассал ёритилган, шунинг учун ҳам биз бу қўлланмада аффиксларнинг семантик таснифига тўхталиб ўтишни лозим топдик, чунки аффикслар семантикаси доимо динамик ўзгаришларга учрайди, баъзан эса аффикслар ривожига жараёнида кўп маънолилиқ касб этиши мумкин.

¹² Stepanowa M.D., Tschernischewa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1975

А. Искос ва А. Ленковалар шундай ёзадилар: « (... das Suffix –schaft hat neben der Hauptbedeutung (Zustand, Beschaffenheit – Mutterschaft) noch zwei andere: es ist imstande, kollektive Bedeutung auszudrücken – Mannschaft, Genossenschaft und kann auch Gegenstände bezeichnen – Briefschaft, Barschaft, Ortschaft. Das erschwert ihre Klassifikation nach dem semantischen Prinzip ...»¹³

Семантик принципга асосан немис тилида суффикслар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Шахс номини (Nomina agentis) яшашга хизмат қилувчи суффикслар:

–er – Leser

–ler – Sportler

–ner – Schaffner

–ling – Lehrling

–in – Lehrerin

–ent – Student

–ant – Aspirant

–or – Doktor

–at – Kandidat

2. Шахсининг келиб чиқишини ифодаловчи суффикслар:

–ner – Amerikaner

–aner – Hannoveraner

–er – Italiener

¹³ А.Искос, А.Ленкова. Deutsche Lexikologie. Leningrad, 1960. S.61

–e – Tschechee

–in – Tschechin

3. Ҳолатни ифодаловчи суффикслар (Suffixe mit der Bedeutung “Zustandsbeziehungen”):

–schaft – Vaterschaft

–tum – Altertum

–heit – Gesundheit

4. Жамоавийлик ва умумийликни ифодаловчи суффикслар (Suffixe mit der Bedeutung “kollektive Beziehungen“):

–schaft – Studentenschaft

–tum – Bauerntum

–ei – Kaptei

5. Абстракт тушунчаларни ифодаловчи суффикслар:

–heit – Dunkelheit

–keit – Ewigkeit

–nis – Erkenntnis

–ung – Haftung

–schaft– Leidenschaft

6. Шахсинг касбий фаолияти турини белгиловчи суффикслар (Nomina actionis):

–ei – Tischlerei

–(er)ei – Dieberei

– ung – **Reinigung**

7. Ҳодисанинг содир бўлаётган жойини ифодаловчи суффикслар:

– ei – **Gießerei**

– (er)ei – **Molkerei**

8. Ишнинг пировард натижасини номловчи суффикслар (Nomina acti):

–ung – **Sammlung**

–nis – **Erlaubnis**

–tion – **Formation**

9. Баъзи предмет номларини ифодаловчи суффикслар:

–er – **Wecker**

–ling – **Fäustling**

–schaft – **Barschaft**

10. Кичрайтирувчи маъноли суффикслар:

–chen – **Häuschen**

–lein – **Tischlein**

Немис тилида тўлиқ ҳамда ярим префикслар (Halbpräfixe) ҳақида

Л. Шевелёва шундай ёзади: “Im Deutschen gibt es eine ganze Reihe von Präfixen und Halbpräfixen, die deutlich das Sem<Verstärkung> + <Bewärtung> die synonymische Reihe erweitern: Präfixe un–, erz–, ur–; Halbpräfixe Haupt–, Grund–, Kern–, Spitzen–, Bomben–, Riesen–, Super–, Maxi–, Makro–; blitz–, blut–, mords– (**Unmenge**, **Unsumme**, **Unzahl**, **Erzfeind**, **Erznarr**, **Erzschurke** – sie steigern die negative Eigenschaft, die in der Bedeutung des Wortes eingeschlossen

ist): Unmensch, Unweib; Urgewalt (bekommt ein Sem mit positiver Bewertung); Hauptproblem – Person; Grundfrage, –widerspruch, –neigung, –wille, –eindruck,; Hauptbahnhof, –arzt; Kernfrage, Spitzenleistung, Temperatur, Geschwindigkeit, Riesenfreude, Mordshunger, –appetit, –kerl; blitzsauber, blutjung, –arm; kreuzbar, –dumm, –fidel; Stockdumm, –taub, –blind)¹⁴

Ўзбек тилида аффиксация усули билан от ясалиши

Аффиксация усулида ясовчи асосга махсус аффикс қўшиш орқали от ҳосил қилинади. Бу усул ҳозирги ўзбек тилида от ясалишининг энг фаол, энг маҳсулдор усуллари билан бири ҳисобланади. Аффиксация усули билан от ясашда от, феъл, сифат, равиш ва бошқа туркум сўзлари асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра бу отлар уч турга бўлинади: 1) от асосидан ясалган отлар; 2) феъл асосидан ясалган отлар; 3) бошқа сўз туркумларидан (сифат, равиш, сон, тақлидий сўз кабилардан) ясалган отлар.

От асосидан ясалган отлар. Бу турдаги ясаишда асос бўлиб от сўзлар хизмат қилади. Бундай ясалмаларнинг маъноси ҳар вақт яшаш асосининг маъноси билан боғланган, ундан ушиб чиққан бўлади. Бу хилдаги ясама отларда яшаш асосининг маъноси билан боғлиқ равишда шахс, нарса ва ўрин-жой, ҳар хил мавҳум тушунчалар ифодаланиши мумкин.

Шахс отлари жуда катта тудани ташкил қилади, англаган маъноларининг хилма-хиллиги, ясовчи аффиксларнинг куплиги, маҳсулдорлиги билан бошқа тудадаги отлардан ажралиб туради. Бу отлар соф узбекча аффикслар ҳамда бошқа тиллардан (асосан тожик тилидан) қабул қилинган ясовчи морфемалар воситаси билан ясалади. Ҳозирги ўзбек тилида шахс отлари қуйидагича ясалади:

1. -чи. Бу аффикс энг фаол от ясовчи бўлиб, барча сўз туркумларидан (бошқа тиллардан узлаштирилган сўзлардан ҳам) от ясашга хизмат қилади: иш-чи,

¹⁴ L.W.Scheweljowa. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. Vorlesungen. M., 2004, S.72

та-рих-чи, жан.г-чи, буз-чи, буёгчи, сув-чи, қзи[^]-чи, док-лад-чи, табел-чи, хизмат-чи, ёлрон-чи, трактор-чи, пуле-мёт-чи, хайбаракалла-чи каби.

-чи аффикси полисемантик хусусиятга эга. Бу аффикс орқали ясалган отнинг хилма-хил маънолари бевосита яшаш асосининг маъноси билан боғланган. Бу типдаги ясама отлар: а) шахснинг яшаш асоси англатган нарса билан шуғулланишини (темир-чи, буё[^]-чи, сувок-чи, сув-чи, тунука-чи, б) иш-харакатни яшаш асоси англатган нарса воситасида бажаришини (най-чи, чилдирма-чи, дутор-чи, кетмон-чи, машина-чи, уроц-чи, карнай-чи, трактор-чи, шахматчи каби); в) яшаш асосидан англашилган нарсани яратиш, яшаш билан шуғулланишини (така-чи, эгар-чи, кашта-чи, буз-чи, пичоқ-чи, сандк-чи каби); г) шахснинг касб-хунар, турлича мутахассислик, шунингдек, фан-техниканинг хилма-хил сохалари буйича машгул бўлишини (колхоз-чи, тарих-чи, луғат-чи, денгиз-чи, разведка-чи, йилки-чи, футбол-чи каби); д) шахснинг бирор белги, ҳолат, хусусияти билан ажралиб туришини (жанжал-чи, кек-чи, лоф-чи, хасад-чи, тухмат-чи, фитнес-чи, гина-чи, ралва-чи, вахи-ма-чи каби); е) шахснинг бирор коллективга, ижтимоий ташкилотга муносабатини (исён-чи, динамо-чи, пахтакор-чи, миллат-чи, республика-чи каби) ва бошқа жуда кўп маъноларни англатган отлар ясайди.

2. -дош. Яшаш асосидан англашилган нарса, соҳа буйича биргалик, яқинлик, баробар алоқадорлик маъносидаги шахс оти ясайди: ватан-дош, қурол-дош, тенг-дош, фикр-дош, мактаб-дош, суҳбат-дош, йул-дош каби. Бу аффикс орқали ясалган отлар урин, макон жиҳатидан (синф-дош, мактаб-дош), пайт жиҳатидан (замон-дош, тенг-дош, аср-дош) ва белги, ҳолат, хусусият жиҳатидан (суҳбат-дош, сир-дош, оханг-дош, фикр-дош) шахсларнинг биргалиги, тенг алоқадорлиги маъноларини англатади.

-дош аффикси маъно жиҳатидан тожик тилидан қабул қилинган ҳам аффикси билан синонимик муносабатда бўлади: фикр-дош — ҳам-фикр, суҳбат-дош — ҳам-суҳбат каби. Аммо бу аффиксларни ҳамма вақт параллел ҳолда бири ўрнига иккинчисини ишлатавериш мумкин эмас. Жумладан,

мусобақа-дош, йўл-дош дейи-лади, аммо ҳам-мусобақа, ҳам-йўл дейилмайди. Ёки *ҳам- шаҳар*, *ҳам- дард* дейилади, аммо *шаҳар - дош*, *дард - дош* дейилмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида шахс оти ясовчи аффиксларнинг сўз яшаш даражаси бир хил эмас. Уларнинг айримлари, айниқса -чи аффикси, энг актив сўз ясовчи восита сифатида хизмат қилса, баъзилари, жумладан, -дош, -дор каби аффикслар оз микдорда сўз ясайди. -бон, -хур, -дўз, -паз каби аффиксларнинг сўз яшаш даражаси эса жуда чегараланган. Юқорида кўрсатилган -шунос, -парвар, -хур, -паз, -дуз, -боз, -бон, -дор, -соз, -хон, -гуй каби ясовчи аффикслар тожик тилида мустақил сўз асосидан иборат бўлиб, ўзбек тилида ясовчи аффикс (аффиксоид) сифатида хизмат қилади.

Предмет ва ўрин-жой отлари. Бундай отларни ясовчи аффикслар у кадар кўп эмас:

-лок,. Яшаш асосидан англашилган нарса кўп бўлган урин, жой маъносидаги от ясайди: ут-лок, тош-лок каби.

-дон. Яшаш асосидан англашилган нарсаларни саклашга хосланган, шу нарса солинадиган нарсани англатадиган от ясайди: туз-дон, кул-дон, сиёҳ-дон, калам-дон, гул-дон, сурма-дон каби.

-зор. Бу аффикс яшаш асоси англатган нарса кўп бўладиган жой маъносидаги от ясайди: пахта-зор, ол-ма-зор, дарахт-зор, узум-зор, ўрмон-зор, лола-зор, ан-жир-зор каби.

-истон. Халқ (миллат) номини билдирувчи ёки бошқа бирор сўзга кўшилиб, шу халқ. (миллат) яшайдиган мамлакат ёки ясовчи асос англатган нарса кўп бўлган жой маъносидаги от ясайди: Ўзбек-истон, То-жик-истон, Арман-истон, Баҳор-истон, Гул-истон каби.

-поя. Ясаш асосидан англашилган нарса билан боғлиқ, бўлган нарса ва ўрин номини билдирувчи от ясайди: гуза-поя, беда-поя, зина-поя, шоли-поя, арпа-поя, буғ-дой-поя каби.

-гоҳ.. Ясаш асосида ифодаланган воқеа-ҳодисалар воқеа бўладиган жой маъносидаги от ясайди: жанг-оҳ, сайр-гоҳ, ором-гоҳ, сайил-гоҳ каби.

-нома. Бу аффиксоид ясаш асоси ифодалаган нарса билан боғлиқ хат, ҳужжат маъносидаги от ясайди: гувоҳ-нома, шарт-нома, таклиф-нома, бахт-нома, айб-нома каби.

-хона. Ясаш асосидан англашилган нарса учун хосланган, бирор иш учун мўлжалланган жой маъносини англатувчи от ясайди: иш-хона, босма-хона, дори-хона, ош-хона, чой-хона, қабул-хона, тўй-хона каби.

9. -обод. Турли сўзларга қўшилиб, ясаш асоси маъноси билан боғланган жой номларини ясайди: Пахта-обод, Мехнат-обод, Деҳқон-обод каби.

Юқорида кўрсатилган -поя, -нома, -хона, -обод каби аффиксоидлар билан бир қаторда, ўзбек тилида худди шундай мустақил сўзлар ҳам мавжуд.

Маълум тушунчаларни англатувчи отлар ҳам катта тўдани ташкил қилади. Бу тўдага қирган отларнинг маъноси ва қўлланиш доираси хилма-хилдир. Мавҳум отлар кўпинча китобий ва илмий услубларда кенгрок, ишлатилади. Мавҳум отлар асосан ўзбек тилининг ўз ясовчи аффикслари орқали ҳосил қилинади. бошқа тиллардан қабул қилинган аффикслар воситасида мавҳум отлар деярли ясалмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги аффикслар мавҳум от ясашга хизмат қилади:

1. -лик. Бу аффикс турлича маъно англатадиган отлардан мавҳум отлар ясайди. Бундай ясалмаларда ясаш асоси вазифасида ҳар хил туркум сўзлари келади:

а) шахс билдирувчи отларга қўшилиб, яшаш асоси маъноси билан боғлиқ равишда ҳолат, хусусият, белги маъноларини англатган от ясайди: бола-лик, йигит-лик, студент-лик, ўспирин-лик каби. она-лик, келин-лик каби ясалмалар ҳам шу хилдаги ҳолат, хусусият билдирувчи отларга киради;

б) яшаш асосида ифодаланган соҳа буйича касб-ҳунар, мутахассислик маъноларини билдирувчи от ясайди: косиб-лик, тилшунос-лик, чорвачи-лик, темирчи-лик, бригадир-лик, заргар-лик каби;

в) бирор ижтимоий-сиёсий, илмий ҳаракат ва йуналишларга муносабат англатувчи ҳолат оти ясайди: тинч-лик, ташкилотчи-лик, бюрократ-лик, ўнг оғмачи-лик, сўл-лик каби;

г) баъзан бирор вазифа, мақсад ва фаолият учун мўлжалланган, шунга хосланган нарса оти ясайди: дарс-лик каби.

2. -чилик (-чи + -лик). Бу мураккаб аффикс яшаш асоси англатган нарса буйича касб-ҳунар соҳаси, ҳолат, хусусият маъноларини билдирувчи от ясайди: деҳқон-чилик, мева-чилик, ўртоқ-чилик, қуда-чилик, қассоб-чилик каби. Бу аффикс ҳам полисемантик хусусиятга эга бўлиб, хилма-хил маъноли мавҳум отлар ясайди.

Шуни эслатиш керакки, -чи аффикси бор ясама асосга -лик аффиксини қўшиш билан ҳосил бўлган темирчи-лик, хизматчи-лик, луғатчи-лик каби ясалмаларни мураккаб -чилик аффикси орқали ясалган эчки-чилик, богдор-чилик, йигит-чилик, оила-чилик сингари отлардан фарқ қилиш даркор.

-гарчилик (-гар + -чи + -лик). Бу мураккаб аффикс турли отларга қўшилиб, яшаш асоси англатган нарса билан боғлиқ ҳолат, белги, хусусият билдирувчи отлар ясайди: одам-гарчилик, ёгин-гарчилик, лой-гарчилик, ошна-оғайни-гарчилик каби. Бу уринда ҳам -гар аффикси бор ясама асосдан -чилик аффикси орқали ясалган сўзларни мураккаб -гарчилик аффикси воситасида

ҳосил килинган ясалмалардан фарқлаш лозим. Ч о ғ и ш т и р и н г: савдогарчилик ва нам-гарчилик каби. Бу сўзлар яшаш асосининг (савдогар ва нам), шунингдек яшаш воситасининг (-чилик ва -гарчилик) бошқа-бошқа бўлиши билан ўзаро фарқ, қилади.

-лаштириш (-ла + ш + тир + иш). Бу мураккаб аффикс автоматизация, газификация каби байналмилал сўзлар таркибидаги «изация», «-ификация» каби қисмларни калькалаш асосида келиб чиққан: автомат-лаш-тириш, коллектив-лаштириш, радио-лаштириш, электр-лаштириш каби.

Феъл асосидан ясалган отлар. Аффиксация усули билан от ясашида яшаш асоси феъл билан ифодаланган ясалмалар ҳам катта тудани ташкил қилади. Бундай отлар яшаш асоси ифодалаган иш-ҳаракат ва ҳолат тушунчалари билан боғлиқ равишда ҳаракат қуроли, натижаси, ҳаракат белгисининг ташувчиси, ҳолат, хусусият каби хилма-хил маъноларни англатади.

Феъл асосидан от ясашида қуйидаги аффикслар қўлланади:

-гич (-ғич, -кич, -қич). Яшаш асосидан англашилган иш-ҳаракатнинг қуролини, шу ҳаракатни бажаришга мўлжалланган асбобни билдирувчи от ясайди. Одатда, унли ва жарангли ундош билан тугаган асосларга -гич, -ғич аффикси, жарангсиз ундош билан тугаган феъл асосларига -кич, -кич шакли қўшилади: утказ-гич, ку-тар-гич, улча-гич, кашла-гич, елпи-ғич, чиз-ғич, кўрсат-кич, қис-қич, бос-қич, оч-қич, эрит-кич каби.

-ма. Бу аффикс жуда маҳсулдор бўлиб, яшаш асоси англаган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ нарсани билдирувчи от ясайди: бўл-ма, уюш-ма, ўс-ма, эслат-ма, туки-ма, кўрсат-ма, суз-ма, қовур-ма, пистир-ма каби.

Бу аффикс полисемантик бўлиб, энг муҳим маънолари қуйидагилар:

а) конкрет нарса оти ясайди: туг-ма, қўл-ма, қўл-лан-ма, ўс-ма, қотиш-ма, газла-ма, қурил-ма, сур-ма каби;

б) ўрин-жой оти ясайди: бостир-ма, торт-ма, бўл-ма, пистир-ма;

в) ҳаракат ва ҳолат атамасини билдирувчи от ясайди: ёзиш-ма, уюш-ма, эслат-ма, айир-ма, бирик-ма.

г) овқат номларини ясайди: қовур-ма, қатла-ма, димла-ма, чўз-ма, қий-ма, суз-ма каби;

д) мавҳум тушунчаларни билдирувчи от ясайди: тер-ла-ма, бўғ-ма, оқ-ма, кичи-ма, исит-ма, юкла-ма каби.

-м (-им, -ум). Бу аффикс яшаш асоси англатган ҳаракат натижасида пайдо бўладиган нарса отини ясайди: тўпла-м, қий-им, боғла-м, бўл-им каби. Бу аффикс орқали муайян нарсани билдирувчи от ҳам (қий-им, тўпла-м, тўғра-м), мавҳум тушунчаларни билдирувчи от ҳам ясалади: бил-им, оқ-им, тер-им, кес-им, ун-ум, туз-ум, чида-м, кечир-им каби.

-ги (-ғи, -қи, -қи, -ғу). Бу аффикс яшаш асоси англатган ҳаракат қуроли, ҳолат ва нарса оти ясайди. Одатда, жарангли ва сонор ундош билан тугаган асосларга -ги, -ғи аффикси, жарангсиз ундош билан тугаган асосларга -қи, -қи аффикси қўшилади: узан-ги, су-пур-ги, чал-ғи, ёқил-ғи, чол-ғу, теп-қи, турт-қи, тутат-қи, чоп-қи каби. Бу аффикс ҳам конкрет (супур-ғи, ёқил-ғи) ва мавҳум маъноли от ясайди: сев-ғи, сез-ғи, туй-ғу, ур-ғу, уй-қи каби.

-ч, -инч. Бу аффикс асли феълнинг ўзлик даража шаклига қўшилиб, ҳаракат ва ҳолат маъносидаги мавҳум от ясайди: қувон-ч, севин-ч, ишон-ч, суюн-ч, юпан-ч каби. Баъзан яшаш асосига -инч формасида қўшилади: кўрқ-инч каби.

-к, -к. (-ик, -ик, -ук, -оқ.). Бу аффикс полисемантик хусусиятга эга бўлган маҳсулдор аффикс бўлиб, асос англатган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ, турлича маъно билдирувчи от ясайди: кўр-ик, теш-ик, беа-к, ти-лак, чиз-ик, сол-ик, ют-ук уч-ук, ўр-оқ каби.

Бу аффикс:

а) аниқ, нарса ва ҳаракат қуроли оти ясайди: кура-к,

эла-к, тўша-к, пич-оқ, туз-оқ, тар-оқ, соч-иқ, ўр-оқ каби;

б) ўрин-жой маъносини билдирувчи от ясайди: йў-ла-к, ёт-оқ, қишло-к, кўр-иқ каби;

в) ҳолат, хусусият, белги маъносидаги мавҳум от ясайди: тила-к, бега-к, ют-уқ, сол-иқ, буйр-уқ, чарчо-қ, торт-иқ, ўто-қ каби.

-инди (-ин+ди). Бу аффикс яшаш асосидан англашилган ва ҳолатнинг бажарилиши натижасида ҳосил бўладиган нарсани билдирувчи от ясайди: йиғ-инди, қир-инди, юв-инди, оқ-инди, супур-инди, чи-қинди каби. Бу аффикс орқали ҳосил бўлган ясалма баъзан сифат бўлади: асра-нди (сақла-нди) бола каби.

-ин, -ун. Бу аффикс яшаш асоси англашган ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиши натижасида юзага келадиган нарсани билдирувчи от ясайди: эк-ин, йиғ-ин, ёр-ин, туг-ун, бур-ин, куй-ун (куюн) каби.

-мақ, -моқ. Камунум аффикс бўлиб, яшаш асоси англашган ҳаракат жараёни билан боғлиқ, бўлган нарсани билдирувчи от ясайди: е-мақ, черт-мақ, топиш-моқ, куй-моқ, чак-моқ, ил-моқ. каби.

-дақ, -доқ. Яшаш асоси англашган ҳаракат ва ҳолат билан боғлиқ, нарса, белги, хусусият билдирувчи от ясайди: кекир-дақ, югур-дақ, қовур-доқ, кун-доқ; каби. Бу аффикс баъзан тақлидий сўзлардан от ясайди ва -илдоқ, шаклида яхлит ҳолда келади: шақ-илдоқ, чир-илдоқ, шилп-илдоқ, хиқ-илдоқ каби. Бу унумсиз аффикс баъзан сифат ҳам ясайди: лик-илдоқ, сулқ-илдоқ каби.

-ғин, -қин. Яшаш асосидан англашилган ҳаракат ва ҳолат жараёни номини билдирувчи от ясайди: ён-ғин, қув-ғин, қир-ғин, тош-қин, бос-қин, тўл-қин каби. Бу аффикс -ғун, -қун шаклида ҳам ишлатилади: юл-ғун, уч-қун, тут-қун каби.

-в, ув. Ясаш асосидан англашилган ҳаракат ва ҳолат маъноларини билдирувчи от ясайди: ма%та + в = мак.тов, сайла + в = сайлов, к.урша-\-в = уршов, учра-ш-ув, тортиш-ув, ёз-ув, тукаш-ув, каби.

-чи, -вчи, -увчи. Ясаш асоси ифодалаган иш-ҳаракатни бажариш билан шуғулланувчи шахс оти, нарса оти ва мавҳум от ясайди: том-чи, суюн-чи, сайло-вчи, тингло-вчи, уч-увчи, , боғло-вчи, турло-вчи, тер-го-вчи, чайқо-вчи, ўқит-увчи каби.

-ш. Ясаш асосидан англашилган ҳаракат жараёни оти ясайди: уйлан-иш, қурил-иш, упирил-иш, ўти-р-иш, йиғил-иш каби.

-в, -вчи, -ш аффикслари орқали от ясалиши феъл-нинг ҳаракат номи шакли асосида юзага келган.

Булардан ташқари, феъл асосидан от ясовчиларга қуйидагилар ҳам киради: -ит, -ат: чиқ-ит, қур-ит, кўч-ат; -килик: ич-килик; а: тўқ,-а, яр-а (*ёрмоқ* феълдан); -чик.; ёпин-чик, суян-чик.; -дик: хор-дик, қол-дик, топил-дик каби.

Бошқа сўз туркумларидан ясалган отлар. От ва феълдан ташқари, сифат, сон, олмош, равиш ва тақлидий сўзлар ҳам от ясалишида асос бўлиб хизмат қилди. Булар орасида сифатдан от ясалиши нисбатан активрок, бўлиб, қолган сўз туркумларидан ясалиш анча чегараланган. Шуни ҳам эслатиш керакки, бу сўз туркумларидан ясалишда қўлланувчи аффикслар мик.дор жидатидан у қадар кўп эмас:

-лик. Сифат, сон, равиш, баъзан олмошлардан ясаш асоси маъноси билан боғлиқ белги, хусусият ва ҳолат оти ясайди: яхши-лик, гўзал-лик, янги-лик, катта-лик, , эски-лик, бир-лик, беш-лик (бешта-лик), тез-лик, кўп-лик, секин-лик, ўз-лик каби.

-чилик (-чи + лик). Бу мураккаб аффикс сифатлардан ҳолат, хусусият, белги маъносидаги мавҳум от ясайди: хурсанд-чилик, пишиқ-чилик, арзон-чилик, но-маъқул-чилик, беадаб-чилик, йўқ-чилик, кам-чилик, қим-мат-чилик.

-гарчилик (-гар + чи + лик). Бу аффикс зам сифатлардан яшаш асоси англатган белги, хусусият ва ҳолат маъносидаги мавҳум от ясайди: овора-гарчилик, сероб-гарчилик, шарманда-гарчилик, хафа-гарчилик, бе-маза-гарчилик каби.

-чи. Сифатлардан яшаш асоси англатган белги, хусусият билан характерланиш маъносидаги от ясайди: кизиқ-чи, эски-чи, аъло-чи.

-а. Сифат ва тақлидий сўзларга қўшилиб, нарса, ҳаракат ва ҳолат маъносидаги от ясайди: буз-а, к[^]уйк-а, жизз-а, кахках-а, шаршар-а, дўмбир-а, карқар-а каби.

-ак тақлидий сўзлардан нарса, белги, хусусият маъноларини билдирувчи от ясайди: карс-ак, варр-ак, бизбиз-ак, дардар-ак каби.

Ясама сўзлар ҳар бир тилда ҳам ўша тил луғати бойлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай, улар тил луғати таркибини бойитадиган бошқа усуллар, яъни сўз маъносининг ўзгариши четдан қабул қилинган сўзлар ва тақлид сўзлардан тубдан фарқ қилади. Ҳар бир янги ясама сўз сўз яшаш усули орқали ясалдими, демак, у илгари тилда мавжуд бўлган воситалар орқали сўзнинг морфологик қурилишни ўзгартириш йўли билан ҳосил бўлади. Бу дегани:

а) сўз ўзаги ўзгарса (Flugfliegen сўзидан);

б) ўзакка у ёки бу сўз ясовчи қўшимча қўшилса (Flieg+er);

в) икки сўз ёки икки ўзак бир – бирига қўшилса (Flug+hafen);

Бундан ташқари, сўз ўзининг сўз ясовчи шаклини ўзгартирмасдан бир грамматик сўз туркумдан иккинчи бир сўз туркуми таркибига ўтиши мумкин, охириги натижада у бошқа бир морфологик характеристикага эга бўлади (das Leben – leben феълининг тусланмайдиган шаклидан турланадиган от сўз туркумига мансуб сўз ҳосил бўлади). Демак, немис тилида ҳам янги сўзлар турли сўз яшаш усуллари орқали вужудга келади.

Сўз яшаш усуллари деганда, асосан, сўз яшаш турлари назарда тутилади. Ана шу йўл билан янги тилда у ёки бу тил янги сўз пайдо бўлади, у ўз

навбатида тил луғат таркибини бойитишга хизмат қилади, одамларнинг ўзаро муносабатида ва мулоқотларида қўлланиб халққа хизмат қилади. Немис тилида сўз яшаш усуллари қуйидагилардир:

1. Қўшма сўз яшаш усули (Schulhof – Schul+Hof).
2. Қўшимча қўшиш усули билан янги сўз яшаш (bekommen – be+kommen, олд қўшимча қўшиш йўли билан).
3. Ўзакни ўзгартириш усули билан яшаш (der Flug – ўзакни ўзгартиришнинг фонетик усули, fliegen сўзидан ясалган от).

Сўз ясовчи воситалар тушунчаси орқали янги сўз ясовчи конкрет морфемалар тушунилади. Грамматик қўшимчалар ва флексиялар сўзларнинг грамматик шакллари яшашга хизмат қилади. Масалан, ver-, ent-, zer-, be-, emp-, heit-, ung-, lich-, ig- каби от ва сифат ясовчи қўшимчалар сўз ясовчи воситалар ҳисобланади. Отларнинг кўплик қўшимчалари кучсиз феълларнинг ўтган замон (Imperfekt) қўшимчаси –te, келишик ва шахс қўшимчалари эга грамматик воситалар ҳисобланади. Сўз яшаш қоидалари ёки қонунлари деганда тилнинг ҳаракати назарда тутилади, улар эса ўз навбатида янги лексик бирликларни яшаш услублари ва воситаларининг қандай қўллаш кераклигини бошқариб туради. Масалан, қўшма отлар яшаш қуйидагича амалга оширилади, яъни “аниқловчи сўз (сўз туркумларидан бирининг негизи)+аниқланиш сўз (от)=Tisch+lampe, Schrieb+tisch, Schwarz+brot” каби. От, сифат ва феъл негизига –lich сифат ясовчи қўшимчани қўшиш билан маълум маънодаги сифатлар ҳосил бўлади, яъни: väter+lich, gelb+lich, beweg+lich каби. Бундан ташқари ҳам борки, бунда сўз негизига қўшимча қўшиш билан бир вақтда сўз негизидаги унли ҳарф умлаут олади. Масалан, Vöge+lein, Häus+chen. Ёки қўшма сўзлар уларнинг таркибий қисмларини бир – бири билан боғловчи воситалар ёрдамида ёки ушбу воситаларсиз ясашиши мумкин. Масалан, Bahn+hof, Schul+gebäude, Freiheit+s+liebe, Stunde+n+plan ва бошқалар.

Ҳар бир тилда ҳам сўз ясашишнинг у ёки бу усуллари ва воситаларининг мавжудлиги ва уларнинг ривожланиши ҳамда уларни

кўллаш қоида ва қонунлари ўша тил ривожланишининг ички қонунлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ички қонунлар мазкур тилнинг грамматик ва сўз яшаш йўл – йўриқлари характерини аниқлаб берадилар.

Сўз яшаш ҳақидаги таълимотнинг тилшуносликдаги ўрни масаласида турли фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Баъзи тилшунос олимлар сўз яшаш ҳақидаги таълимотни грамматикани морфология қисми объекти сифатида талқин қилишса (Н.Г.Гадд, Л.Я.Брова), бошқалари бу таълимотни ҳам грамматиканинг, ҳам лексикологиянинг объекти эканлигини эътироф этадилар (В.В.Виноградов).

Бизнинг фикримизча ҳам сўз яшаш ҳақидаги таълимот ҳам лексикологиянинг (чунки у тил луғат бойлигини янада ривожлантириш учун янги сўзлар яшашга хизмат қилади), ҳам грамматиканинг (чунки у турли қўшимчалар ва грамматик воситалар ёрдамида бир сўз туркумига оид сўзлардан бошқа бир сўз туркумига мансуб бўлган сўзларни ҳосил қилади) объектидир.

2.1. Сўз яшаш, лексикология ва грамматика.

Сўз яшаш ҳақидаги таълимот тил луғат бойлигини оширишга ва уни тўлдиришга хизмат қилгани учун уни лексикология соҳасига киритиш мумкин, чунки лексикология тил луғат таркибини тўла равишда таҳлил қилади. Сўз яшаш жараёнлари натижасида янги лексик бирликлар – сўзлар ясалади. Ясалган янги сўзлар эса ўз навбатида янги маъно ва тушунчаларни ҳосил қилади, аммо янги сўзларнинг грамматик шакллари эмас.

Ўзак билан сўз ясовчи қўшимча сўзнинг сўз ясовчи лексик асосини ташкил этади. Масалан, er- + -lern “erlernen” феълнинг сўз ясовчи асосини ташкил қилади: „Lehrling“ ёки „Lehrer“ отларининг, gold+en „golden“ сифатининг сўз ясовчи лексик асосини ташкил қилади. Сўзларнинг грамматик шаклини ўзгаришида сўз ясовчи лексик асос ўзгармайди. Буни биз қўйидаги мисолларда қиёслаб кўришимиз мумкин: du erlernst, erlernstest ёки die Lehrlinge, den Lehrlingen, die goldene Uhr ва бошқалар. Лексик асос янги сўзларни барпо қилишга хизмат қилади, яъни: Lehrer+in=Lehrerin, Lehr+schaft=Lehrschaft каби.

Бошқа томондан қараганда сўз яшаш ҳақидаги таълимот грамматика соҳасига тааллуқлидир, аввало морфология, яъни сўз туркумлари ҳақидаги таълимотга алоқадор ҳисобланади. Бунда биз сўзларнинг у ёки бу гуруҳи учун хос бўлган сўз яшашнинг услублари ва воситалари ҳақида сўз юритишимиз мумкин. Масалан, қўшимчалар қўшиш йўли билан сифатлар яшаш, от ва сифатларнинг конкрет қўшимчалари, феълларнинг олд қўшимчалари ва бошқалар ҳақида. Демак сўз яшаш у ёки бу сўз туркумининг қўшимча белгиларидан бирига хизмат қилади, баъзан эса у ўша сўз туркумининг грамматик категорияларини ва шакллари аниқлайди. Масалан, от ясовчи унинг грамматик родини баъзан эса, унинг кўплик ясалиш ва турланиш турларини ҳам кўрсатиб беради.

Сўз яшаш услуб ва воситалари тил техникасига мансубдир, грамматик муносабатларни ифодалаш услуб ва воситалари эса морфология техникасига

тааллуқли бўлиб, мавжуд сўзлар асосида янги сўзни барпо қилиш морфологик характеристиканинг ўзгариши билан боғлиқдир.

Сўз ясалиши қонуниятларининг умумлашган характеристикаси шу нарсада ўз ифодасини топадики, сўзлар қатори сўз ясаш шаклининг умумий принципи асосида бирлашади. Бунда уларнинг турли лексик маъноларига қарамадан уларни ана шу сўз ясаш шакли билан боғлиқ бўлган қандайдир умумий семантик белги бирлаштиради. Масалан, аниқловчи туридаги қўшма отлар ҳамма вақт бир хил модел асосида ясалади: “аниқловчи+аниқланмиш= Tageslicht, Vaterland, Apfelbaum, Schreibtisch, Waschtube, Schpeizesaal” ва бошқалар.

Шундай қилиб, кўплаб сўзлар сони умумий шакл ва умумий маъно асосида умумлашади. Сўз ясалишининг бундай абстракцияси қўшимчалар қўшиш билан сўз ясаш жараёнида янада яққолроқ кўзга ташланади. Масалан, сифат ясовчи қўшимча –ig турли сўзларга бирикиб кела олади. Бу қўшимча билан ясалган янги сўз сифат сўз туркумига тегишли бўлиб, ўзининг маънолиси ва негизининг туридан қатъий назар предметнинг сифати ёки хусусиятини ифодалайди. Масалан, *heutig, rosig, freudig, sonnig* ва бошқалар. „un-“ олд қўшимчаси эса сўз негизи олдидан қўшилиб, кўпинча асосий сўзнинг маъносидан қатъий назар инкор маъносини ифодалайди. Масалан, *un+glück, un+sinn, un+schön, un+freu, un+deutlich, un+zufrieden* ва бошқалар.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, қўшма отлар суффикслар ёрдамида ясалган сифатлар ёки префикслар билан ясалган отлар булар ҳаммаси грамматика соҳасига эмас, балки лексика соҳасига тегишлидир. Чунки улар ясалиш жараёнида янги лексик маъно кашф этади.

Сўз ясовчи суффикс ёки префикс ўзининг ҳақиқий лексик маъноси мавжуд бўлмасада, турли сўз туркумларига мансуб сўзлардан от, сифат ясаб, ана шу ясама сўзларнинг у ёки бу тушунча категориясига тегишли эканлигини ифодалайди. Масалан, *freudig, heutig, rosig, Lehrer, Schüler, Eisenbahner, Sportler, Unzinn, Unglück, unschön, untreu* – „un-“ префикси бу

ерда нарса ва ҳодисаларнинг белги, хусусиятларининг инкор этилишини ифодалайди.

2.2. Немис тилида от яшанинг асосий усуллари.

Ҳозирги немис тилидаги ясама отларнинг от ясовчи шакллари отларнинг қурилишида ва уларнинг луғат таркибидаги ҳаётида турли ўзгаришларни ўзида акс эттиради, лекин шунга қарамасдан от ясовчи шакл турлари ўзининг турғунлигини сақлаб келмоқда. Бунинг маъноси шуки, от яшанинг услуб ва воситалари тилнинг ривожланиши жараёнида турли ўзгаришларга дуч келса-да, от ясовчи шакл турлари бу ривожланишни ҳозиргача давом этиб қолган даврда сўзларининг хусусиятларини турғун ҳолда сақлаб қолдилар.

Немис тилида от яшанинг асосан тўртта тури мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир:

- а) ўзакни ўзгартириш йўли билан ёки ўзгартиришдан от яшаш;
- б) сўзларнинг бир лексик – грамматик гуруҳдан иккинчисига ўтиши йўли билан от яшаш;
- в) немис тилида қўшма отлар яшаш усули;
- г) немис тилида префикслар ёрдамида отлар яшаш;
- д) немис тилида суффикслар ёрдамида отлар яшаш.

Ушбу от яшаш услубларининг ҳар бир тури тил ривожланишини ички қонуниятларидан келиб чиқиб, ўзларининг хусусиятларига ва ривожланишга йўлларига эгадир.

Биз юқорида санаб ўтилган немис тилида от яшаш усулларини атрофлича ўрганиб чиқишга жазм қилдик, чунки морфологиянинг таркибий қисмларидан бири бўлган от сўз туркуми дарс жараёнида, кўпинча грамматиканинг объекти сифатида талқин қилиниб, унинг лексик томонларига кўп эътибор берилмайди, ваҳоланки, от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш ва бошқалар сўз туркумлари ўзак негизларига турли от ясовчи қўшимчалар қўйиш йўли билан ва бошқа усуллар воситасида юзлаб, минглаб бошқа бир маъно берадиган сўзлар ясалиши, уларнинг тил луғат бойлигини оширишдаги аҳамияти ва сўзлашув жараёнидаги хизмати эътироф этилсада, кўп ҳолларда улар назардан четда қоладилар. Шунинг учун ҳам биз немис

тилидаги от сўз туркумига оид бўлган сўзларнинг ясалиш йўл – йўриқлар ва уларнинг қандай лексик – грамматик воситалар ёрдамида ясалиши мумкинлигини бир тизимга солишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, немис тилидаги ясама отларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши муаммоларини баён қилиб бормоқчимиз, чунки бу мавзу билан боғлиқ, бўлган ўқув материалларини ўқувчиларга тушунтиришда қиёсий усул қўлланса мақсадга мувофиқ бўлади.

2.3. Немис тилида ясама отлар ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси масалалари.

а) ўзакни ўзгартириш йўли билан ёки ўзгартирмасдан от яшаш ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси.

Бу усул билан феъллар ўзагидан ҳеч қандай от ясовчи кўшимча кўшилмай от ясалади. Ушбу усул билан ясалган отлар немис тилида жуда кўпчиликни ташкил қилсада, ҳозирги тилда каммаҳсул ҳисобланади.

Ясама отларнинг бу турига биринчи навбатда аблаут орқали кучли феълларнинг негизидан ясалган отлар киради. Аблаут ҳам умлаут каби ўзининг қадимги ривожланиш давридан бошлаб немис тили морфология тизимининг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, сўз ўзгартирувчи ва сўз ясовчи функцияларни бажаради. Кучли феъллар негизидан қуйидаги каби отлар ясалган:

der Trieb – trieben – мойиллик, интилиш

der Zug – ziehen – поезд, ҳаракат, юриш

der Klang – klingen – жаранг, жаранглаш

der Wurf – werfen – улоқтириш

der Bruch – brechen – синиш

der Wuchs – wachsen – ўсиш (бўй)

der Stand – stehen – дўкон, 2 ҳолат

der Gang – gehen – юриш, ҳаракат қилиш

der Biss – beißen – тишлаш

der Griff – greifen – даста, (ушлаш)

der Flug – fliegen – учиш

der Ritt – reiten – отда чопиш

der Band, das Bund, der Bund – binden – боғлам

der Trank, der Trunk – trinken – ичимлик

der Fluss, das Floß – fließen – дарё, оқим

Тилнинг ҳозирги ҳолати нуқтаи назаридан қараганда бу отларнинг негизлари кучли феълларнинг претерит шакли негизига мос тушади, яъни (treiben – trieb – der Trieb), (klingen – klang – der Klang), (reiten – ritt – der Ritt).

Претеритнинг эски шакли билан ясалган отлар юқоридаги қоидадан бир оз четлашган (претерит *Mittelhochdeutsch*=*wurfen* – *der Wurf*). Бундай отларнинг хусусиятларидан яна бири уларда сўз ясовчи қўшимчанинг йўқлигидир. Шу сабадан баъзи тилшунос олимлар бундай отларнинг туб отлар каторига киритадилар.

(Л.Р.Зиндер ва Т.В.Строева, Сокольская. Современный немецкий язык, Ленинград 1941).

Маъно нуқтаи назаридан бундай отлар абстракт отлар гуруҳига мансуб бўлиб, улар ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаш мумкин. Масалан,

der Gang – юриш, ҳаракат қилиш

der Trieb – мойиллик, интилиш

der Stand – ҳолат, аҳвол

Бундай отлардан баъзилари ўз маъноларини ўзгартириб, нарса номларини ифодалашлари ҳам мумкин. Масалан,

der Trank – ичимлик

der Griff – даста (ручка)

der Stand – дўкон (ларёк)

Баъзи кучли феълларнинг ҳозирги замон ёки ноаниқ шакли негизидан ҳам қўшимчасиз мужской роддаги отлар ясалади ва улар ўз навбатида алоҳида бир гуруҳни ташкил этади. Масалан,

der Schein (*scheinen*) – кўриниш

der Streit (*streiten*) – тортишув

der Fall (*fallen*) – тушиш, йиқилиш

der Lauf (*laufen*) – чопиш, югуриш

der Ruf (*rufen*) – чақириш

Худди шу усул билан кучсиз феъллар негизидан ҳам ясама отлар ясаш қилиш мумкин (яъни буни феъл негизининг отлашуви дейишимиз ҳам мумкин). Масалан,

der Dank (*danken*) – раҳмат, миннатдорчилик

der Kauf (*kaufen*) – сотиб олиш

der Druck (*drücken, drucken*) – босиш, эзиш

Немис тилида олд кўшимчани феъллардан ҳам юқоридан модел (қолип) асосида ясама отлар барпо қилиш мумкин. Масалан,

- der Betrieb (betrieb) – корхона
- der Vorgang (vorgehen) – воқеа, ходиса
- der Ausgang (ausgehen) – чиқиш
- der Ausruf (ausrufen) – чақириш
- der Bestand (bestehen) – таркиб топиш
- der Verstand (verstehen) – тушуниш, тушунча
- der Verlauf (verlaufen) – ўтиш
- der Verkauf (verkaufen) – сотиш

Шу нарса қизиқки, содда феъллар негизидан аблаут йўли билан ёки аблаутсиз ясалган отлар каммаҳсул ҳисобланса, олд кўшимчали феъллардан ясалган отлар ҳозирги замон немис тилида анча кенг тарқалган.

Юқоридаги мисолларнинг таҳлили натижаларига кўра феъл негизларидан ясалган отларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- 1) Ҳозирги замон шаклидаги кучли феълларнинг ўзагини ўзгартириш йўли билан Wurf – werfen.
- 2) Кучли феъллар асосий шаклининг ўзагини ўзгартирмасдан от яшаш. Масалан, der Ruf – rufen, der Lauf – laufen
- 3) Кучсиз феъллар ўзагини ўзгартирмасдан от яшаш. Масалан, der Kauf – kaufen, der Dank – danken
- 4) Олд кўшимчали кучли ва кучсиз феъллар негизидан от яшаш. Масалан, der Betrieb – betrieбен, der Verkauf – verkaufen

Барчаси ўзларининг семантик ва грамматик муносабатларига кўра ясама отларнинг алоҳида гуруҳини ташкил қилиб, улардан жуда кўпчилик тилнинг асосий луғат фондига киради ва тил луғат тартибини бойитади.

б) сўзларнинг бир лексик – грамматик категориядан икинчисига ўтиш йўли билан от яшаш ва уларни ўзбек тилига таржимаси.

Отлашиш, яъни сўзларни бошқа сўз туркумларидан ҳеч қандай сўз ясовчи воситалар (кўшимчалар ўзакни ўзгартириш) қўлланмай от сўз

туркумига ўтиши немис тили ривожланишининг қадимги даврларидан бери маълум ва у ҳозирги немис тилида ҳам анча кенг тарқалган. От ясалишининг бу усули немис тилида артиклни қўллашни тақозо этади. Бунда артикл грамматик восита сифатида род, сон ва келишик категорияларига хизмат қилади. У отнинг родини ифодаловчи восита сифатида отлашиш манбаига айланади. Масалан,

leben – das Leben – яшамоқ, ҳаёт (от)

alt – der Alte – қари, қария чол (от)

ja – das Ja – ҳа, ҳа (от)

oder – das Oder – лекин, лекин (от)

Бу ишнинг бир лекини бор. Отлашиш жараёни шундан иборатки, бунда у ёки бу сифат, белги, хусусият, ҳолат, ҳаракат, муносабат, ҳис – ҳаяжон кабилар нарса сифатида бирон предмет ёки ҳодисанинг номи шаклида фикрланади. Сўзнинг маъноси ўзгариётими, демак, унинг нутқдаги вазифаси гапда бошқа сўзлар билан бирика олиш имконияти ва унинг гапдаги роли ҳам ўзгаради. Бир вақтнинг ўзида у ёки бу сўз бошқа сўз туркумидан от сўз туркумига ўтиб, унинг грамматик категорияларини қабул қилади ва от сўз туркумига оид сўз сифатида расмийлаштирилади. Ҳозирги немис тилида инфинитив, сифат ва сифатдошларнинг отлашуви жуда кенг тарқалган.

1. Инфинитивлардан ясалган отлар. Инфинитив – бу феълнинг ноаниқ шакли, яъни отга яқин турадиган шакли. Ўзининг маъносига инфинитив ҳаракат ёки ҳолат жараёнини ифодаладиган абстракт отга жуда яқин туради, чунки у ўзи ана шу жараённинг номидир. Гап бўлаги сифатида инфинитив отнинг вазифаларини бажаради. Масалан,

Rauchen ist verboten (эга вазифасида) – чекиш ман этилади.

Ich hoffe dich zu sehen (тўлдирувчи вазифасида) – мен сени кўришга умид қиламан.

Отлашган инфинитив ўзининг ясалиш усулининг осонлиги билан бошқа усуллар воситасида феъл негизларидан ясалган отлардан ажралиб туради. У деярли ҳамма вақт ҳаракат ёки ҳолат жараёнини ифодалаб келса,

феъллардан ясалган бошқа отлар жараён натижасини ифодалаши мумкин ҳамда турли хилдаги маъно ўзгаришларига учраши мумкин. Масалан,

das Gehen, der Gang – юриш, ҳаракат қилиш

das Ziehen, der Zug – ҳаракат, юриш

das Ausgehen, der Ausgang – чиқиш

das Rufen, der Ruf – чақириш

das Verkaufen, der Verkauf – сотиш

das Sprechen, die Sprache – гапириш, тил

das Übersetzen, die Übersetzung – таржима қилиш, таржима

das Regieren, die Regierung – бошқариш

Бир қатор отлашган инфинитивлар немис тилида жуда кенг қўлланилмоқда. Масалан,

das Leben – ҳаёт

das Essen – овқат

das Lesen – ўқиш

das Lachen – кулги, кулиш

das Schimpfen – сўқиш

das Nähen – тиниш

das Sprechen – гапириш

das Übersetzen – таржима қилиш

das Schwimmen – сузиш

das Werden – барпо бўлиш

Улар сўзларнинг семантик аниқлиги (жараёни ифодалаши) туфайли ўз маъноларини ўзгартиришга ва кўп маъноликка мойиллиги йўқ, лекин баъзан жараён натижасини ифодалаб, маъносини ўзгартиришлари ҳам мумкин. Масалан, das Schreiben – ёзиш, ёзув, хат, мактуб

2. Сифат ва сифатдошлардан ясалган отлар. Ясама отларнинг бу тури ҳам немис тилида жуда кенг тарқалган бўлиб, бу жараён сифат (ёки сифатдош) ўз маъносини ўзгартириш йўли билан бир вақтда у ўзининг грамматик ҳарактеристикасини, яъни грамматик гатегорияларини, бошқа

сўзлар билан бирика олиш имкониятларини ва гапдаги синтактик вазифасини хам ўзгартиради. Сифат ва сифатдошлардан ясалган отлар ўзларининг маъноларига кўра уч гуруҳга бўлинади:

1) предмет сифатида фикрланган сифат, хусусият ва белги. Масалан,

das Gute – яхшилик

das Geistreiche – хозир жавоблик

das Wirkliche – ҳақиқийлик

das Erreichte – муваффақият, эришилган нарса

2) маълум сифат, хусусият ва белги эга бўлган жонли нарсаларнинг номлари. Масалан,

der Gelehrte – олим, уламо

der Deutsche – немис

der Alte – қария, чол, мўйсафид

die Besten – илғорлар, энг яхшилар

3) аниқланаётган отнинг тушиб қолиши натижасида предметларга берилган номлар (улар немис тилида кам учраса-да, лекин улар мавжуд).

Масалан, die Elektrische (Bahn) – трамвай

ein Helles (Bier) – тиниқ пиво

Сифатлардан ясалган отларнинг грамматик категорияларини қабул қилади, яъни род, келишик ва сон каби. Масалан, frische Käse, frische Milch, frisches Brot, frische Äpfel ва бошқалар, (янги пишлоқ, янги соғилган сут, янги иссиқ нон, янги узилган олмалар).

Сифат ва сифатдошлардан ясалган отларнинг роди немис тилининг ўзига хос қонуниятлари асосида белгиланади, яъни сифат ва хусусиятлар номлари, яъни, абстракт отлар средний родга (das Gute, das Schöne, das Nähere каби); жонли нарсаларнинг роди биологик родга (der, die Bekannte – таниш (эркак, аёл)); (der, die Alte – қария (эркак, аёл)) тегишлидир.

Юқоридаги каби отларнинг бу хусусиятлари фақат немис тилидаги отларга хосдир. Сифат ва сифатдошлардан ясалган отларнинг қўлланилишини батафсил кузатиб, шуни айтиш мумкинки, улар немис тилида жуда кенг қўлланилида ва уларнинг луғати таркибига қаратилган,

яъни der Deutsche, der Gelehrte, der Angestellte, der Alte, das Gute, das Böse кабилар.

4) олмошлардан ясалган отлар. Немис тилида олмошлардан ясалган отларни олмошли отлар деб атовчи сўзлардан фарқлаш керак, яъни ich, du, er, jemand, niemand ва бошқалар. Бунда олмошли сифатларнинг от ўрнида ишлатилиши ҳам назарда тутилади. Масалан, Gib mir dein Heft! Ich habe mein(e)s (das meine, das meinige) zu Hause gelesen.

Бу мисолларимизда mein(e)s (das meine, das meinige) “Игср” отини алмаштиради, лекин отни аниқламайди, маъно ва шакл жиҳатидан ҳам у отга айланмайди. Қуйидаги олмошлардан ясалган отлар немис тилида жуда кенг қўлланилади: die Meinigen, die Deinigen, die Seinigen кабилар. Улар қуйидаги шаклларда ҳам ишлатилиши мумкин: die Meinen, die Deinen, die Seinen (меникилар, сеникилар, уникилар).

Олмошлардан ясалган мазкур отлар қариндошлар ва аллаяқинлари маъносини англатади. Das Meinige, das Einige кабилар бурч, das Meine, das Eure эса шахсий мулк ёки мажбурият маъноларини ифодалайди. Бунда олмошнинг грамматик шакли ўзгармайди.

в) немис тилида қўшма отлар яшаш ва уларни ўзбек тилига таржимаси. Немис тилида қўшма от яшаш сўз яшашнинг қадимги усулларида бири бўлиб, у тилда ва нутқда жуда сермахсул ҳисобланди.

Масалан, das Vaterland – она Ватан

der Sonntag – якшанба

der Sonnabend – шанба

der Augapfel – кўз қорачиғи

die Hochzeit – тўй

die Hauptstadt – пойтахт

der Jahrmarkt – ярмарка

der Jahrestag – йиллик

der Apfelbaum – олма дарахти

Немис тилида ясалган юқоридаги бир нечта отларнинг ўзбек тилига қилинган таржимасидан кўришиб турибдики, улардан фақат бир нечтасигина немис тилидаги вариантига тўғри келади. (олма дарахти, она (ота) Ватан). Қолганлари бошқа йўлда таржима қилинган.

Бундан ташқари немис тилидаги ясалган қўшма отлар қаторида кўплаб неологизмларни ҳам учратиш мумкин. Масалан,

der Neulehrer – янги ўқитувчи

der Freundschaftsmonat – дўстлик ойлиги

der Friedenzkongress – тинчлик ойлиги анжуман (конгресс)

Немис тилида ясалган қўшма отларнинг тартибдаги компонентлар доим бирга қўшиб ёзилади. Ўзбек тилига қилинган таржималарда улар ажратиб ёзилади. Бу эса ҳар бир тилнинг ўзига хос қонуниятларидан келиб чиққан тил ҳодисасидир.

Немис тилида қўшма отлар турларининг ҳар хиллиги, уларнинг курилиши, грамматик, стилистик хусусиятларидан келиб чиқиб, немис филологияси адабиётида қўшма отларнинг турли хилдаги классификацияси қўлланади.

Биз буни шартли равишда қуйидаги турларга бўлишимиз мумкин:

1. Компонентларнинг боғловчи элементсиз тўла қўшилиши йўли билан. Масалан, қўшма отлар.

2. Боғловчи элементлар воситаси орқали ясалган қўшма отлар.

Компонентларнинг боғловчи элементларсиз тўла қўшилиши йўли билан ясалган қўшма отлар биринчи компонент сўзининг негиз шаклидан иборат бўлади. Масалан,

das Landhaus – дала, ҳовли

der Schreibtisch – ёзув столи

die Tischlampe – стол лампаси

die Wandzeitung – деворий газета

Иккинчи турдаги қўшма отлар ясалишида қўшма отнинг биринчи компоненти иккинчи компонентга боғловчи элемент орқали боғланади.

(Bideelment). Қўшма отлар компонентларини бир – бири билан боғлайдиган элементлар қуйидагилардир: -(e)n, -e, -(e), -er. Масалан,

das Tageslicht – кундузги чирок

der Hirtenknabe – чўпон бола

der Pferdestall – отхона

der Kindergarten – болалар боғчаси

Немис тилида бир хил маъноли ясама қўшма отларнинг параллел катори мавжуд бўлиб, каторининг бир томонида тул қўшилиш йўли билан (боғловчи элементсиз) ясалган қўшма отларни, иккинчи томонида эса, боғловчи элементлар воситаси орқали ясалган қўшма отларни кўриш мумкин. Масалан,

der Lokomotivführer– der Lokomotivenführer – локомотив ҳайдовчи

der Berggipfel – der Bergesgipfel – тоғ чўққиси

der Waldrand – der Waldesrand – ўрмон чети

der Schiffbau – der Schiffsbau – кема қурилиши

der Herzbruder – der Herzensbruder – чин (самимий) биродар

Ҳозирги немис тилида “-s” боғловчи элемент орқали ясалган қўшма отлар жуда кенг қўлланилади. Масалан,

der Arbeitslohn – иш ҳақи

der Wirtschaftsplan – иқтисодий режа

das Nahrungsmittel – озиқ – овқат манбаи

Мазмун жиҳатидан боғловчи элементларсиз ясалган қўшма отлардан баъзи ҳолларда фарқ қилади, яъни. Масалан,

der Landmann – қишлоқда яшовчи

der Landsmann – ҳамюрт

die Wassernot – сув етишмаслиги

die Wassersnot – сув тошқини

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, немис тилидаги баъзи қўшма отлар тартибидаги боғловчи элементларнинг ҳам аҳамияти катта.

г) Немис тилида префикслар ёрдамида отлар яшаш уларнинг ўзбек тилига таржимаси. Ҳозирги замон немис тилида префиксация, яъни отларга олд қўшимча қўшиб бошқа отлар яшаш усули деярли жуда кенг тарқалмаган, чунки от негизига қўшилиб бошқа отлар яшашга хизмат қиладиган олд қўшимчалар нисбатан озчиликни ташкил этади. Улар асосан қўшидагилардир: un-, miß-, ur-, erz- (немис тилига грек тилидан кириб келган archi-) ва ge- қўшимчаларидир. Бу олд қўшимчалар қадимги даврлардан бери, яъни отлар ясаб, немис тили лексикасини бойитишга хизмат қилиб келмоқда, anti- ва neo- олд қўшимчалари немис тилига анча кейин кириб келган.

Un- олд қўшимчаси немис тилидаги отларни яшашда анча кенг тарқалган бўлиб, отларнинг антоним шакллари яшашда кўп қўлланилади.

Масалан, die Geduld – die Ungeduld – сабр, сабрсизлик
die Ruhe – die Unruhe – тинчлик, нотинчлик
die Wille – der Unwille – ирода, иродасизлик
der Glaube – der Unglaube – ишонч, ишончсизлик
der Friede – der Unfriede – тинчлик, нотинчлик
der Sinn – der Unsinn – онг, онгсизлик
das Wesen – das Unwesen – моҳият, моҳиятсизлик
der Fall – der Unfall – воқеа – ҳодиса, бахтсиз ҳодиса

Бу олд қўшимча инкор тушунчасини ифодалаб, инкор белги – хусусиятларини умумийлаштиради.

Miß- олд қўшимчаси немис тилида бирон нарсага эришилмаганлик, қўлга кирита олмаганлик маъноларини ифодалайди. Бу олд қўшимча ҳам кўп ҳолатларда антоним қаторни ҳосил қилишга хизмат қилади. Масалан,

die Ernte – die Missernte – ҳосилдорлик, камҳосиллик
die Tat – die Mißtat – матонат, жиноят
das Geschick – das Missgeschick – бахт, бахтсизлик
der Erfolg – der Misserfolg – муваффақият, муваффақиятсизлик
die Stimmung – die Missstimmung – яхши кайфият, ёмон кайфият

Ur- олд кўшимчаси “қадимги бошланғич” тушунчаларини ифодалайди. Асосий бош урғу ана шу олд кўшимчага тушади. Масалан,

die Urzeit – die Uhrzeit – ибтидоий давр
die Ursache – die Sache – сабаб
der Urwald – der Wald – қадимий ўрмон
der Urbeginn – der Beginn – ибтидоий
der Urbild – das Bild – қадимги сурат
das Urwesen – das Wesen – қадимги мавжудот
die Urform – die Form – ибтидоий шакл
die Urgeschichte – der Mensch – ибтидоий одам
der Urtext – der Text – қадимги матн

Erz- олд кўшимчаси немис тилига черковга оид бўлган христиан атамалари билан бирга кириб келган бўлиб, у юқори унвонни ифодалайди. Масалан, der Bischof – der Erzbischof – епископ, архиепископ
der Herzog – der Erzherzog – ҳерцог, эрцҳерцог

Бундан ташқари, бу олд кўшимчанинг маъноси кейинчалик салбий тус олиб, ахлоқ – одоб муносабатида, номларни аташда салбий ҳарактерни ифодалашга хизмат қилади. Масалан,

der Narr – der Erznarr – қип – қизил аҳмоқ
der Reaktionär – Erzreaktionär – реакционер, ўта реакционер
der Lump – der Erzlump – ярамас, ўта ярамас (одам)

Ge- олд кўшимчаси юқоридаги бошқа олд кўшимчаларга қараганда алоҳида ҳарактерга эга, яъни у урғусиздир. Масалан,

der Gemahl – умр йўлдош
der Geselle – бола, йигит
der Gefährte – йўлдош, ҳамроҳ
das Gebirge – тоғлар, тоғ тизимлари
das Gehirn – мия

Anti- ва **neo-** олд қўшимчалари лотин, грек сўзларидан немис тилига ўзлашиб қолган. Anti- олд қўшимчаси қарама – қарши ҳаракатни ифодалайди. Масалан,

die Antidemokratie – антидемократия (демократияга қарши)

der Antifaschist – антифашист (фашистга қарши)

“янги” маъносини ифодалаб, қуйидаги сўзларда қўлланилиши мумкин:

der Neokantianer – янги кантчи

der Neohegelianer – янги ҳегелчи

der Neonarist – янги миллатчи

der Neofaschist – янги фашист

д) немис тилида суффикслар ёрдамида отлар яшаш ва уларни ўзбек тилига таржимаси. Немис тилида суффиксация йўли билан сўз яшашнинг асосий хусусияти унинг тил морфологик тизими билан чамбарчас боғлиқлигидадир. Суффикслар ёрдамида ҳар қандай сўз туркумидан от яшаш мумкин. Демак, суффикс отнинг сўз туркуми сифатидаги белгиларидан биридир.

Суффикс отнинг грамматик родини, турланиш турини ва кўплик шаклини аниқлайди. Немис тилидаги от ясовчи суффикслар ўзларининг асосий грамматик функциясига кўра қуйидагича классификация қилиши мумкин:

1. Мужской роддаги отларни ясовчи суффикслар.
2. Женский роддаги отларни ясовчи суффикслар.
3. Средний роддаги отларни ясовчи суффикслар.

Жуда кўп манбалардан маълумки, суффиксларнинг сўз яшашдаги аҳамияти ва бу билан тил луғат тартибини бойитишга хизмат қилиши ниҳоятда беқиёсдир.

1. Мужской роддаги отларни ясовчи суффикслар. Мужской роддаги отларни ясовчи сермахсул суффикслар –er ва унинг вариантлари –ler, -ner, -

aner, - enser, -ling суффиксларидир. Немис тилидаги –er суффикси от негизга ва феъл негизги турли турдаги отларни ҳосил қилади. Масалан,

der Bürger – фуқаро
der Städter – шаҳарлик
der Lehrer – ўқитувчи
der Fahrer – ҳайдовчи
der Sportler – спортчи
der Rentner – нафақадаги одам
der Amerikaner – америкалик
der Lehrling – шогирд
der Singling – чақалоқ
der Lügner – ёлғончи

Бундан ташқари, бу суффикс касб – ҳунарни, кишиларни номларини ясашда ҳам жуда кенг қўлланилади. Масалан,

der Fischer – балиқчи
der Fleischer – қассоб
der Gärtner – боғбон
der Krämer – аттор
der Tischler – дурадгор
der Schüler – ўқитувчи

Немис тилидаги –er суффикси феъллардан ана шу феълларга боғлиқ бўлган касб кишилари номларини ясашда ҳам кенг ишлатилади. Масалан,

der Schneider – бичувчи
der Maler – рассам
der Flieger – учувчи
der Lehrer – ўқитувчи
der Weber – тўқувчи

Баъзан –er от ясовчи суффикси абстракт маънодаги отларни ясашда ҳам кенг ишлатилади. Масалан,

der Seufzen – ух тортиш

der Schluchzer – бақириб йиғлаш, дод солиш

От ясовчи –er суффиксини вариантлари –ler, -ner жуда кенг қўлланилади. Масалан,

der Künstler – санъаткор

der Vogler – қуш ушловчи

der Dörfer – қишлоқда яшовчи

Немис тили тараққиёти жараёнида –er суффиксининг лотин суффикслари юзага келди ва улар мамлакат, шаҳар ва вилоят аҳолиси номларини ясашда қўлланилади. Масалан,

der Andjaner – андижонлик

der Afrikaner – африкалик

Немис тилида –ling суффикси билан ясалган мужской роддаги отлар жуда кенг тарқалган бўлиб, бу суффикс кўпроқ шахс номларини сифат, от ва феъл негизларига қўшилиб от ясайди. Масалан,

der Jüngling – йигит, ўсмир

Бундан ташқари, немис тилида мужской роддаги отларни ясовчи –e, -el, -ing, -rich, -bold, -ian суффикслари ҳам мавжуд бўлиб, улар анча каммаҳсул ҳисобланади.

2. Женский роддаги отларни ясовчи суффикслар. Ҳозирги замон немис тилида женский роддаги отларни ясовчи сермаҳсул суффикслар қуйидагилардир: -in, -ung, -schaft, -heit, -keit, -igkeit, -ei, -erei.

-in суффикси билан ясалган женский роддаги отлардан ясалган бўлиб, улар асосан унвон, касб ва бошқаларнинг номларини ифодалайди. Масалан, die Lehrerin – ўқитувчи аёл. Немис тилида –in суффикси билан ясалган женский роддаги отлар ҳайвонларнинг биологик родини ҳам ифодалайди. Масалан, die Hündin – ит (урғочиси)

Die Bärin – айиқ (урғочи)

Ўзбек тилида род кўрсаткичи йўқлиги учун юқоридаги ҳайвонлар номи олдида “урғочи” сўзини ишлатишга тўғри келади.

Немис тилида **-ung** суффикси билан ясалган женский роддаги отлар ҳам жуда кенг тарқалган бўлиб, улар асосан феъл негизларидан ясалади ва кўпинча ҳаракат ва ҳолат номларини ифодалайди. Масалан,

die Bestimmung – аниқлаш

die Beziehung – муносабат

Немис тилида **-heit** суффикси билан асосан сифатлардан, феълнинг ноаниқ шаклидан, сондан ва сифатдошлардан женский роддаги отлар ясалади. Улар асосан абстракт отлар бўлиб, сифат, белги ва ҳолатнинг номини ифодалайди. Масалан,

die Schönheit – гўзаллик

die Bescheidenheit – камтарлик, соддалик

die Berühmtheit – машхурлик

die Mehrheit – кўпчилик

Немис тилидаги **-keit** ва **-ig+keit** суффикслари ҳам кўпинча абстракт маънони ифодалайдиган женский роддаги отларни яшашга хизмат қилади. Масалан, die Tapferkeit – ботирлик, жасурлик

die Bitterkeit – аччиқлик

die Ewigkeit – абадийлик

die Traurigkeit – ғамгинлик

die Neuigkeit – янгилик

Немис тилида **-schaft** суффикси билан ясалган женский роддаги отлар маъно жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга сифатлардан, сифатдошлардан, феъллардан қисман, отлардан ясалган ва ҳолат ёки хусусиятни ифодалайдиган абстракт отлар киради. Масалан, die Eigenschaft – хусусият

Die Verwandtschaft – қариндошлик

Иккинчи гуруҳга отлардан ясалган жамловчи отлар бўлиб, улар алоҳида шахсларни ёки бутун жамоаларни ифодалайди. Масалан,

die Lehrerschaft – ўқитувчилик

die Studentenschaft – талабалик

Немис тилида –ei суффикси билан феъл негизларидан аниқ маънога эга бўлган женский роддаги отлар ясалади. Масалан,

die Bäckerei – новвойхона

die Druckerei – босмахона

die Fischerei – балиқчилик

Немис тилидаги бундай отларда бош урғу доим –ei суффиксига тушади, бошқа бўғинлар эса урғусиздир.

3. Средний роддаги отларни ясовчи суффикслар. Ҳозирги замон немис тилида средний роддаги отларни ясовчи сермахсул суффикслар кўйидагилардан иборатдир: -chen, -lein, -tum. Немис тилида –chen ва –lein суффикслари кичрайтириш, эркалаш маъноларини ифодалайдиган средний роддаги отларни ясовчи суффикслар ҳисобланади. Масалан,

das Büchlein – китобча

das Häuschen – уйча

das Tüchlein – рўмолча

Ушбу суффикслар ёрдамида ясалган отлардаги “а”, “о”, “и” ўзак унлилари кўп ҳолларда умлаут олади. Буни юқоридаги мисоллардан яққол кўриш мумкин.

Немис тилидаги –**chen** ва –**lein** суффикслари шахсларни ифодалайдиган сўзларга қўшилиб, эркалаш маъносидаги средний роддаги отларни ясашга хизмат қилади. Масалан, das Mütterchen – онажон, ойижон

das Töchterchen – қизча, қизгина

das Väterchen – отажон, дадажон

Мазкур суффикслар орқали ясалган отларнинг маъносидан кўриниб турибдики, бу суффикслар асосан конкрет тушунчаларни, яъни жонли ва жонсиз нарсаларни ифодалайдиган отларга қўшилиб янги отлар ясайди. Немис тилида –tum суффикси ёрдамида от ёки сифат негизидан средний роддаги абстракт отлар ясалади, улар у ёки бу одамнинг ҳолатини, фикр тарзини, давр кабиларни ифодалашлари мумкин. Бу қўшимча билан ясалган жамловчи отлар камроқ учрайди. Масалан, das Menschentum – инсоният

Ҳозирги немис тилидаги сермахсул суффикслар таҳлили шуни кўрсатдики, улар сон жиҳатидан унча кўп бўлмасда, ушбу суффикслар ёрдамида тилнинг луғат таркиби бойиб, ривожланиб боради. Бу суффикслар 16 тани ташкил қилади: -er, -ler, -ner, -aner, -ling, -in, -ung, -heit, -keit, -igkeit, -ei, -schaft, -erei, -chen, -lein, -tum.

Бу суффикслар ёрдамида семантик категорияларининг чегараланган сони тўлатилади: ҳаракат номлари ва ҳаракатдаги шахслар номи, кичрайтирилган абстракт ва жамловчи отлар.

Хулоса

Биз юқорида немис тилидаги ясама отларнинг ясалиш услублари ва от ясовчи восита ва манбаларни таҳлил қилдим. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, немис тилида ясама отлар жуда кенг тарқалган бўлиб, улар ҳам ўз навбатида тил луғат таркибини бойитади.

Изланишларимиз натижаси сифатида қуйидагиларни аниқладик:

1. Сўз яшаш тўғрисидаги таълимот ҳам лексикологиянинг, ҳам грамматиканинг объектидир.
2. Немис тилида от яшашнинг бешта тури аниқланди.
 - I. Ўзакни ўзгартириш йўли билан ёки ўзгартирмасдан от яшаш.
 - II. Сўзларнинг бир лексик-грамматик гуруҳдан иккинчисига ўтиши йўли билан от яшаш.
 - III. Қўшма отлар яшаш усули.
 - IV. Префиксация усули.
 - V. Суффиксация усули.

Немис тилида префиксация айниқса, суффиксация усули билан ясалган отлар жуда кенг тарқалган бўлиб, улар нутқимизда, тилимизда ва луғат таркибида фаол ишлатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. 173 бет
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият; 2008
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”; 1997 йил 29-август. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 1997. 17-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил. 29-август. Олий таълим меъёрий хужжатлар тўплами. -Т.: Шарқ, 2001. - 3-б.
5. Умархўжаев М.Э. Немис тили лексикологияси ва фразеологияси. Андижон 2010. 216 -бет.
6. Умархўжаев М.Э., Назаров Қ.Н. Deutsch – russisch – usbekisches phraseologisches Wörterbuch. Тошкент, 1994. 236 бет.
7. Умархўжаев М.Э. Инглизча – немисча – ўзбекча тематик тасвирий луғат. Андижон 2012. 323 бет
8. Чернишёва И.И., Степанова М.Д. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. М., 1975. S 268.
9. Городникова М.Д., Розен Е.В. Лексикология современного немецкого языка. М., 1967. с 198.
10. Искоз А., Ленкова А. Deutsche Lexikologie. L., 1970. S 297
11. Мирсоатов Т.З. Немис тили грамматикаси. Ўқитувчи, Тошкент 1980
12. Benjaminow J.R. Vergleichende Typologie der deutschen und usbekischen Sprache. Тошкент «Ўқитувчи», 1982.
13. Сравнительная типология основных европейских языков. Москва, «Academia», 2004.
14. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. МОСКВА, ФИЗМАТЛИТ®, 2008.

15. Резвцова М.Д., Афанасьева О.В., Самохина Т.С. ПРАКТИКУМ по сравнительной типологии английского и русского языков. МОСКВА, ФИЗМАТЛИТ® , 2009.
16. Левицкий А.Э., Борисенко Н.Д., Борисов А.А., Иванов А.А., Славова Л.Л. Сравнительная типология английского, немецкого, ручького и украинского языков. Киев, «Освита Украины», 2009
17. Admoni W. G. Der deutsche Sprachbau, Leningrad 1960 (Sprachbau) . . .
18. Alichodzajew A. A. „Konfrontative Untersuchungen zum Passiv der deutschen Gegenwartssprache und seiner Wiedergabe im Usbekischen*. Diss. , A. KMU, 1976. Leipzig.
19. Arndt E. Die begründenden Sätze im Neuhochdeutschen und ihre wichtigsten Konjunktionen. Diss. Berlin, 1956.
20. Arsenjewa M. G. Grammatik der deutschen Sprache, M. , 1963.
21. Avasbajew N. A. Phonetik der deutschen Gegenwartssprache (Theoretischer Lehrgang). Verlag „Oqituwtschi". Taschkent, 1978.
22. Becker H. Hauptprobleme der deutschen Satzlehre (Lehrbrief der Pädagogischen Hochschule Potsdam). Potsdam, 1956.
23. Boost K. Neue Untersuchungen zum Wesen und zur Struktur des deutschen Satzes. Der Satz als Spannungsfeld. Berlin, 1955.
24. Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. Düsseldorf, 1962 (Sprache).
25. Dal J. Kurze deutsche Syntax. Tübingen, 1952.
26. Duden. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache, M. , 1962.
27. Eggers H. Beobachtungen zum „Präpositionalen Attribut" in der deutschen Sprache der Gegenwart, in: Wirkendes Wort 8 (1957 58). S. 257 ff.
28. Erben J. Abriß der deutschen Grammatik, Berlin, 1964.
29. Essen O. Grundzüge der hochdeutschen Satzintonation. Ratingen, Düsseldorf, 1956 (Satzinton.)

30. G a b a i n A. Ösbekische Grammatik, Leipzig und Wien, 1945.
31. G l i n z H. Die innere Form des Deutschen. Eine neue deutsche Grammatik. 2. Aufl. Bern und München, 1961 (4. Aufl. 1935).
32. G l i n z H. Der deutsche Satz. Düsseldorf, 1957 (Satz).
33. G r i e s b a c h H. u D. Grammatik der deutschen Sprache. 2. Aufl. , Mün–Schulzchen, 1962 (Gramm.)
34. G u l y g a E . W . , N a t h a n s o n M. D. Syntax der deutschen Gegenwartssprache, M. — L. 1966.
35. H e l b i g — B u s c h a . Deutsche Grammatik. Ein Handbuch für den
36. Ausländerunterricht. VEB Verlag Enzyklopädie. Leipzig 1974.
37. H e l b i g — B u s c h a . Kurze deutsche Grammatik für Ausländer. VEB Verlag Enzyklopädie. Leipzig 1976.
38. J u n g W. Grammatik der deutschen Sprache. Leipzig, 1966.
39. Kleine Enzyklopädie. Die deutsche Sprache B. I, II, Leipzig, 1969.
40. K u s m i n . Die syntaktische Kategorie der Apposition in der deutschen Sprache der Gegenwart. Diss. A. Berlin. 1960.
41. M o s k a l s k a j a O. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache, M., 1971.
42. M ü l l e r W. U. Die Entstehung der deutschen daß Sätze.
43. Th. Frings 2. Aufl. , Berlin 1963 (daß—Sätze).
44. P a u l H. Deutsche Grammatik. B. III, IV, Halle, 1919.
45. P a u l H. Deutsche Grammatik. B. 5, Halld (Saale), 1916 ff.
46. R e g u l a M. Grundlegung und Grundprobleme der Syntax. Heidelberg, 1951.
47. R e n i c k e H. Grundlegung der neuhochdeutschen Grammatik. Zeitlichkeit Wort und Satz. Berlin 1961.
48. ZEIT online. <http://www.zeit.de>
49. www.google.de. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache.
50. www.Ziyonet.uz.